

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УЎК

ТЎХТАМУРОДОВ ИХТИЁР РЎЗИБОЕВИЧ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРЗДА
ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди
мисолида)

5A230108-Монополияга қарши бошқарув ва рақобатни ривожлантириш
мутахассислиги бўйича
магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., Н.Т.Ўрмонов

Тошкент – 2018 й.

МУНДАРИЖА:

	Кириш	3
I БОБ.	Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари	9
1.1.	Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишда Давлат мақсадли фондларининг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги.	9
1.2.	Давлат мақсадли фондлари — давлат харидларини ташкил этишнинг бўғини сифатида.	15
1.3.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди ташкил этишнинг зарурлиги.	17
1.4.	Биринчи боб бўйича хулосалар	23
II БОБ.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг фаолиятининг амалдаги ҳолати таҳлили	24
2.1.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондидаги ўзгариш динамикаси.	24
2.2.	Танлов ва тендерларнинг Фонд маблағларининг самарали ишлатилишидаги ўрни.	33
2.3.	Иккинчи боб бўйича хулосалар	46
III БОБ.	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди фаолиятининг такомиллаштириш йўллари	47
3.1.	Давлат мақсадли фондлари фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасини Ўзбекистон амалиётида қўллаш.	47
3.2.	Фонд фаолиятини ривожлантириш ва унинг имкониятларини ошириш йўналишлари.	54
	Хулоса	62
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	66
	Иловалар	72

Кириш

Магистрлик диссертация мавзуининг долзарблиги. Давлатнинг иқтисодий сиёсатида монополияга қарши тартибга солиш нафақат ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ривожини таъминловчи омил, айти пайтда иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи восита, иқтисодий жараёнларни юксалтириш усули сифатида тан олинган.

Айниқса, рақобатнинг дифференциал ва интеграл шаклларда амалга ошиши унинг айрим соҳаларда тармоқлашувини, аксарият ҳолларда жамиятнинг нисбатан ажратилган баъзи қисмларининг уйғунлашуви, бир-бирини тўлдириши борасида юз берадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларда намоён бўлмоқда. Натижада монополияга қарши тартибга солиш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ажралмас атрибутига айланди.

Монополияга қарши тартибга солишнинг таркибий тузилиши функционал ҳолати, ижтимоий-иқтисодий аҳамияти иқтисодчи олимлар томонидан ҳам тадқиқот объекти сифатида танланган. Ижтимоий-иқтисодий, институционал соҳаларда рақобатларнинг кучайиши унинг янгича мазмун-моҳият касб этишига олиб келди.

Рақобатнинг объектив ривожланиш қонуниятлари, ҳаракатлантирувчи мотивлари, конъюктурасидаги ўзгарувчанлик, инсониятнинг ижтимоий эҳтиёжлари ва манфаатларига, яъни динамик ўзгарувчан субъектив омиллар тизимида боғлиқлиги бу борадаги тадқиқот ишларини ҳам мураккаблаштирмоқда. Зеро, «дунё миқёсида бешафкат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда»¹. Шу маънода, глобаллашув даврида жаҳонда монополияга қарши тартибга солиш учун

¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т. : «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. –Б.505.

ишбилармонлик маданиятини шакллантириш доминант вазифа сифатида баҳоланмоқда.

Иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, иқтисодий соҳаларда монополияга қарши тартибга солишни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Республикаимизда мунтазам равишда норматив ҳужжатларга биноан монополияга қарши тартибга солиш принципларига асосланган ҳолда тендер-танловлар ўтказилмоқда². Зеро, инсон қалби ва онгини эгаллаш учун жаҳолатга асосланган монополияга қарши тартибга солиш кучайган ҳозирги давр «ёшларнинг онгу-тафаккурини маърифат асосида шакллантириш ва тарбиялаш»³ заруриятини янада кучайтирмоқда. Бу эса монополияга қарши тартибга солиш жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида юз берадиган жараён бўлиб, бу масала ижтимоий-иқтисодий тараққиётни белгиловчи асосий омиллардан эканлигини яққол намоён қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги (2012), «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги (2018) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2016), «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017), «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017) фармонлари ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 3 июлдаги 302-сонли қарори билан тасдиқланган “Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Низом.

³ Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи// Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 20 сентябрь, № 163(6857).

белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида монополияга қарши бошқарувнинг назарий жиҳатларини мустаҳкамлаш бўйича бир қатор устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: иқтисодий ислохотлар моҳиятининг прогрессив тараққиётга таъсири; монополияга қарши бошқарувнинг институционал хусусиятлари; монополияга қарши бошқарувнинг умумий нормаларини ишлаб чиқиш; глобаллашув шароитида монополияга қарши бошқарувнинг функционал ролини ошириш муаммолари ва бошқалар.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантиришда монополияга қарши бошқарувнинг тутган ўрни ҳақидаги⁴, шунингдек мамлакатимиз янги ривожланиш босқичида олиб борилаётган демократик ислохотларни янги сифат босқичига кўтаришда соғлом рақобатни йўлга қўйиш борасидаги концепциялар мазкур тадқиқотга илмий методологик асос бўлиб хизмат қилди.⁵ Хорижлик олимлардан Е.Портер, Э.Майкл, К.Ю.Тотьев, А.Ю.Юданов, Г.Л.Азоев, А.П.Градов, М.В.Конотопов, Р.А.Фатхутдинов, А.Я.Кибанов⁶ ҳам монополияга қарши бошқарувнинг айрим масалаларини ўрганганлар. Ўзбекистонлик олимлар Н.Тўхлиев, М.Пардаев, А.М.Абдуллаев, М.С.Жамалов, Б.Улашев ва бошқалар томонидан ёзилган асарларда бозор иқтисодиёти, фуқаролик жамиятини шакллантириш, рақобат сиёсатини тўғри йўналтириш борасида бир қатор илмий ва амалий ишлар бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Монополияга қарши бошқарувнинг институционал асосларидан “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди”

⁴ Каримов И.А. Асарлар тўплами. 1-24 Ж. – Тошкент: Ўзбекистон. 1994-2016.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –48 б.; Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –104 б.; Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.592.

⁶ Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

мисолида самарали фойдаланишдаги ҳолатини ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда тадқиқот жараёнида куйидаги **вазифаларни** ҳал этиш белгиланди:

- Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишнинг иқтисодий моҳиятини очиб бериш;
- Давлат мақсадли фондларининг давлат харидларини ташкил этишдаги ўрнини тушунтириш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондини ташкил этиш заруриятини асослаш;
- мелиорация фонди молиявий кўрсаткичларининг бугунги ҳолатини, молиявий кўрсаткичлар динамикасини таҳлил қилиш;
- мелиорация фондидан сарфларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига таъсирини ва фонд орқали қилинган ишларнинг қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари унумдорлигидаги ўрнини баҳолаш;
- Давлат мақсадли фондлари фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасидан Ўзбекистон амалиётида қўллаш истиқболларини ўрганиш;
- мелиорация фонди молиявий имкониятларини ошириш учун муқобил (альтернатив) йўللарни таклиф этиш. Уларни амалга ошириш механизмларини ёритиш;

Тадқиқот объекти. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди тадқиқот ишининг объекти сифатида танланди.

Тадқиқот предмети. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди фаолияти билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар мажмуи тадқиқот ишининг предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Мустақиллик йилларидан сўнг мелиорацияга тизимли инвестициялар қилинмаслиги оқибатида суғориладиган ерларнинг мелиорация объектлари ҳолати ёмонлашуви кузатилди. Бу ўз навбатида қишлоқ хўжалиги унумдорлигини пасайиши ва энг асосий бойлигимиз бўлган ерларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиб қолиш хавфини пайдо қилди. Бугунги кунда мелиорация фондидан сарфланаётган маблағларнинг деҳқончилик ишлаб чиқаришига таъсири қандай бўлмоқда? Гепотеза шундан иборатки, мелиорация деҳқончилиكنинг ижобий ўсишида кучли фактор ҳисобланади. Шундай экан мелиорация сарфларининг миқдори етарли ёхуд етарли эмаслигини асослашни муаммо сифатида кўрмоқдамиз.

Бугунги кундаги мелиорация фонди билан боғлиқ асосий муаммо унинг молиявий автономлигини ошириш, унинг молиявий имкониятларини ундан сарфланиши кўзда тутилаётган маблағларнинг ошиб бориш темпидан кам бўлмаслигини таъминлашдан иборат.

Тадқиқот методи ва методологияси. Тадқиқот ишида эмпирик тадқиқот усуллари бўлган кузатиш, ҳисоблаш ва қиёслаш каби усуллардан, шунингдек эмпирик-назарий усуллар ҳисобланган таҳлил, синтез ва дедуктив-индуктив методлардан фойдаланилади. Статистик таҳлил асосида кўп ўзгарувчили регрессион таҳлил “MINITAB” дастури ёрдамида модел куриш амалга оширилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишида ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг амалиётга қўлланилиши Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди фаолиятини яхшилашга хизмат қилиши амалий аҳамиятини намоён этади.

Назарий аҳамияти тадқиқотда натижаларини, фойдаланилган услуб ва услубиётлардан истиқболда мазкур йўналишдаги илмий изланишда фойдаланилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқот иши орқали энг аввало Давлат мақсадли фондлари ташкил этилишининг жаҳон тажрибасини мамлакатимизда қўллаш истиқболлари ўрганилди. Шунингдек мелиорация фондининг молиявий имкониятларини ошириш ва ундан маблағларни сарфлашни янада такомиллаштириш мақсадида қуйидаги йўналишларда тақлифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган: (i) мелиорация фонди тушумларини яхшилаш мақсадида ягона ер солиғининг ҳисобланган суммаларини фонд тушумлари учун мезон қилиб олиш истиқболлари ўрганилган (ii) Давлат мақсадли фондлари орқали давлат дастурларини амалга оширишда Тикланиш ва тараққиёт фонди билан фондлар ўртасидаги кооперацияни кучайтириш йўналишлари ўрганилган (iii) мелиорация фонди орқали амалга оширилувчи лойиҳаларнинг кетма-кетлиги белгилашда иерархиялар таҳлили усули ва лойиҳаларнинг муддатларини оптималлаштиришга доир қарашлар шакллантирилган (iv) мелиорация фондининг асосий вазифаси сифатида белгиланган сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга доир айрим концептуал жиҳатлар ёритиб берилган (v) айнан жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда мелиорация тадбирларида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва жамоатчилик назорати масалаларига урғу берилган.

Магистрлик ишининг тузилиши ва ҳажми. Магистрлик ишининг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишда 13 та расм, 10 та жадваллар мавжуд.

I-БОБ. Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари.

1.1. Тадбиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишда Давлат мақсадли фондларининг иқтисодий моҳияти ва зарурлиги

Тадабиркорлик фаолиятини монополияга қарши тарзда тартибга солишда Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари⁷дан фойдаланилади ва хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг товар ва молия бозорларида рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларига нисбатан таъбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги ваколатли орган сифатида товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатини чеклаш ва уларнинг олдини олишга ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган давлат сиёсатини амалга оширади.

Давлат мақсадли фондлари ҳам монополияга қарши тарзда тартибга солиш объекти ҳисобланади. Давлат мақсадли фондлари, маълум бир мақсад учун шакллантирилган молиявий фондлар бўлиб, улар жамиятдаги айрим ижтимоий-иқтисодий соҳаларда назарда тутилган тадабирларни молиялаштириш учун ташкил этилади. Одатда Давлат мақсадли фондлари давлатнинг айрим вазифа ва функцияларини самарали ва барқарор ташкил этилишини кўзда

⁷ Рақобат тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, №ЎРҚ-319, Қабул қилинган сана 06.01.2012, Кучга кириш санаси 07.01.2012.

тутади. Ўтиш даври иқтисодиётида нодавлат сектор фондларини нисбатан инвестицион жозибадорлиги паст бўлган йўналишларга тизимли инвестиция қилиш муаммоси мавжуд бўлади. Хусусан, айрим ишлаб чиқариш инфратузилмаси (йўл, мелиорация ва энергетика соҳаси) ва ижтимоий соҳа (олий таълим, мактаб таълими ва соғлиқни сақлаш соҳаси) объектлари асосий фондларини кенгайтириш, реконструкция қилишга инвестиция қилиш борасида йирик муаммолар юзага келади. Шунингдек тараққиётнинг бизнинг мамлакатимизга хос асосий хусусиятларидан бири ҳисобланган кучли ижтимоий йўналтирилганлиги тамойили ҳам бу борада махсус фондлар ташкил этишни долзарб қилиб қўяди.

Айнан ана шу муаммоларни ҳал этиш, ушбу соҳаларга тизимли инвестицияларни жалб этиш мақсадида давлат махсус мақсадли фондлар ташкил этади. Ушбу фондлар маблағларининг шаклланиш манбаларини белгилайди ва унга тегишли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади. Давлат ўз олдида қўйган ижтимоий-иқтисодий мақсадларини Давлат мақсадли фондлари орқали амалга оширишни кўзда тутар экан, бу албатта қандайдир сарфлар қилинишини талаб этади. Яъни, қўшимча давлат сарфларига зарурият пайдо бўлади. Айнан ушбу сарфлар қуйидаги усулларда молиялаштирилиши мумкин:

– Қўшимча солиқлар ёки мажбурий тўловлар жорий этилиши мумкин. Ёхуд мавжуд солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ставкалари оширилиши мумкин;

– Давлат бошқа даромадларининг бир қисми ушбу сарфларга йўналтирилиши мумкин;

– Давлат ташқи молия манбалари ҳисобидан сарфларни молиялаштиришни кўзда тутиши мумкин. Бу қарз, кредит, ссуда, хомийлик ёрдамлари ёки халқаро грантлар ва кредитлар каби муносабатлар орқали намоён бўлиши мумкин.

Фикримизча, юқорида келтирилган ҳолатлар узоқ муддатли, интенсив сарфларни амалга ошириш учун унчалик ҳам мақбул йўналишлар ҳисобланмайди. Бунга сабаб бошқа даромадлар бюджет параметрларининг барқарор моддаси ҳисобланмайди. Бундай даромадлар динамикаси таҳлил этилса, улар ҳар хил объектив сабабларга таъсирчанлиги кучлилигини кўришимиз мумкин. Ташқи молия манбалари эса, истиқболда давлат бюджетига кўшимча юк йиғилиб бориш рискени пайдо қилади. Яъни, ушбу қарзлар, уларнинг фоизлари ва уларни қайтариш сарфлари бюджетга келажакда янги муаммоларни қўя бошлайди. Шундан келиб чиққан ҳолда одатда Давлат мақсадли фондлари сарфларини молиялаштириш учун солиқлар ва мажбурий тўловлар муқобил сифатида танланади. Аммо, ушбу ҳолатда ҳам умумжамиyat нуқтаи назаридан турли иқтисодий харажатлар ва юklar пайдо бўлади. Ушбу жараён кўпчилик иқтисодчи ва молиячи олимлар томонидан ўрганилган бўлиб бу борада айрим таҳлилларни изоҳлаш ушбу тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, иқтисодий жиҳатдан Давлат мақсадли фондлари учун солиқлар ёрдамида шакллантириладиган молиявий маблағларнинг биргина солиқ даромадлари (солиқ юки) билан ўлчаш нотўғри экан. Бундай маблағларда солиқлар киритилиши ёхуд оширилиши натижасида йўқотиладиган фаровонлик (бой берилган қиймат (welfare loss)) сарфларини ҳам кўшган ҳолда ҳисоблаш лозим бўлади. Давлат мақсадли фондларидан ишлатилган сарфларнинг самарадорлиги ҳисоблаганда уларнинг айнан шундай сарфлардан ошганлиги назарда тутилиши керак. Бундай ҳолларда иқтисодий сарфларни молиявий сарфлардан фарқлаш зарур. Одатда иқтисодий сарфлар молиявий сарфлардан юқори бўлади. Иқтисодий қарорлар қабул қилишда албатта иқтисодий сарфлар нуқтаи назаридан ёндашув муҳимдир. Биргина молиявий сарфларни ҳисобга олган ҳолда қарорлар қабул қилиш бундай тадбирларнинг иқтисодий аҳамиятини тушириши мумкин. Сарфларга

иқтисодий ёндашув нисбатан асосли ва ресурсларни оқилона тақсимлаш ҳамда давлат харидларини ташкил этишда муқобил танлов қилишда кўп томонлама тўғри ва самарали йўл ҳисобланади.

1.2. Давлат мақсадли фондлари – давлат харидларини ташкил этишнинг бўғини сифатида.


2018 йил 10 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни кучга кирди. Қонунга кўра, давлат хариди товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда олишдир. Давлат буюртмачиси эса давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахсдир. Қонунда давлат харидлари тизимининг ҳуқуқий жиҳатлари, асосий принциплари очиқ берилган. Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги давлат харидлари соҳасидаги ваколатли орган сифатида белгиланган.

Давлат харидлари тартиб-таомилларини амалга ошириш, режалаштириш, давлат харидлари бўйича мониторинг ва шартноманинг тузилиши каби жиҳатлар камраб олинган. Қонун давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини янада оширади. Бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли фондлар маблағларидан, ҳукумат кафолати остида олинган кредит ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланишга йўл очади. Коррупция ҳолатларининг олдини олиш, шунингдек, ижро интизомини мустаҳкамлаш, энг аввало, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш борасида кўзда тутилган ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ижтимоий ва иқтисодий йўналишдаги бир қанча мақсадли фондлар мавжуд бўлиб, Бюджет кодексига кўра асосий етти Давлат мақсадли фондларининг мақоми белгилаб берилган. Уларнинг барчаси давлат консолидациялашган бюджети таркибига киритилади ва уларнинг ҳуқуқий ва ташкилий мақоми давлат харидларини ташкил этишнинг бир қисми сифатида шакллантирилган. Мамлакатимизда бугунги кунда давлат бюджети,

давлат кредити, давлат корхоналари молияси ва Давлат мақсадли фондлари молияси давлат харидларини ташкил этишнинг асосий бўғинлари сифатида намоён бўлади (1.3-расм).

1.3-расм. Давлат харидларини ташкил этишнинг таркибий тузилиши⁸



2015 йилда мамлакатимиз Давлат мақсадли фондлари да жами 21 389.3 млрд. сўм маблағлар жамланиши кўзда тутилган ва бу давлат консолидациялашган бюджетининг 35,7 фоизига ва ЯИМнинг 12 фоизига тенгдир (1-илова).

Охирги йилларда мамлакатимизда иқтисодий йўналишдаги мақсадли фондлар сони ва уларга йўналтирилган маблағлар ҳажми ортганлигини кўришимиз мумкин. Бунга сабаб аҳоли даромадларининг анча ортганлиги, аҳоли даромадлари таркибининг нисбатан яхшиланганлиги ижтимоий йўналишдаги мақсадли фондларга босимни камайтирганлигидадир. Қолаверса, иқтисодиётимизнинг инновацион йўналишда ривожлантириш ва модернизация қилишнинг барқарор макроиқтисодий ривожланиш фонида янги босқичга кўтарилганлиги, иқтисодий фондларнинг фаоллигини кенгайтишига олиб келди.

⁸.....

Давлат мақсадли фондлари давлат ҳаридларини ташкил этишда давлатнинг ўзига хос вазифа ва функцияларини манзилли ташкил этишда бекиёс аҳамият касб этади. Бизнингча уларнинг давлат ҳаридларини ташкил этишда алоҳида ажратган ҳолда ташкил этиш, ўрганиш ва бошқариш қуйидаги афзалликларга эгадир:

– Ушбу фондлар давлатнинг вазифа ва функцияларини бажаришда ихтисослашган бўлади. Яъни уларга айнан конкрет функцияларнинг юкланиши ва бунинг учун йўналтириладиган маблағларнинг қонуан белгилаб қўйилиши уларнинг натижадорлигини таъминлайди;

– Бундай фондлар орқали лойиҳаларни молиялаштиришда маблағларнинг мобиллиги ортади. Уларни идора этишда нисбатан бюрократик тўсиқлар кам бўлади ва қарорлар қабул қилишда афзалликлар мавжуд бўлади;

– Махсус фондлар орқали маблағларни йўналтириш давлатнинг бажараётган вазифа ва функцияларига баҳо беришда аниқлик пайдо қилади. Ваҳоланки, умумий давлат бюджетидан маблағларни умумий усулда йўналтиришда бундай имконият мавжуд бўлмайди. Ўз навбатида ушбу фондлар орқали вазифаларнинг ижобий ташкил этилмаслигида давлат тегишли манзилли чора-тадбирлар кўришида афзалликлар пайдо бўлади.

Аммо мутахассислар томонидан Давлат мақсадли фондлари орқали маблағлар сарфлашдаги айрим муаммолар ҳам келтириб ўтилган. Булар жумласига маблағларни мақсадсиз сарфлаш, фондлар бошқарувини ташкил этишдаги қўшимча сарфларнинг талаб этилиши, айрим комплекс муаммолар ҳал этилишида фондлараро муносабатлардаги бюрократик тўсиқлар пайдо бўлиши кабиларни киритиш мумкин. Шу маънода мутахассисларнинг кўпчилиги Давлат мақсадли фондлари ни консолидациялашган бюджетда умумлаштирган ҳолда ташкил этишни таклиф этишади. Мамлакатимизда ҳам бюджет параметрларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва мониторинг қилишда

Давлат мақсадли фондлари консолидациялашган бюджет таркибига киритилиши белгилаб қўйилган⁹.

Мамлакатимизда 2014-йилдан Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси амалга киритилиши билан Давлат мақсадли фондларининг ҳуқуқий мақоми аниқ белгилаб олинди. Давлат харидларини ташкил этишда Давлат мақсадли фонди ҳисобланадиган фондларнинг бюджет тизимидаги мақоми, даромад ва харажат йўналишлари ушбу кодекс билан белгилаб қўйилди. Шундай бўлсада, бугунги кунда Давлат мақсадли фондлари га тегишли ташкилий масалаларга оид бир қанча нормативлар мавжуд. Уларни соддалаштириш ва яхлит кўринишга келтириш ҳали ҳам долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

1.3. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди ташкил этишнинг зарурлиги.

Мамлакатимизда энг асосий табиий бойлигимиз ҳисобланган ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш энг долзарб масала сифатида қаралмоқда. Ушбу масалани ижобий ҳал этиш мақсадида мамлакатимизда 2007 йилдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди ташкил этилган¹⁰.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли Фармонида кўра ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш йўлида (i) қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, (ii) ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, (iii) уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда (iv) қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш, шунингдек (v)


⁹ Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 45-46-моддалари;

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сон қарори;

мелиорация ишларини ташкил қилиш ва (vi) молиялаштириш механизмини такомиллаштириш мақсадлари кўзда тутилган.

Юқоридаги мақсадларни амалга оширишдан ташқари, бизнингча фондни ташкил этишнинг долзарблиги қуйидаги жиҳатларда ҳам намоён бўлади:

1) Бугун мамлакатимизда 4,3 млн. гектардан ортиқ суғориладиган ерлар мавжуд бўлиб¹¹, мустақиллик йилларида ушбу кўрсаткич сезиларли ўзгармаган (масалан 1995 йилда бу кўрсаткич 4,2 млн. гектар бўлган¹²) ва бундан кейин ҳам сув танқислиги муаммоси туфайли қўшимча ерлар ўзлаштиришнинг имконияти мавжуд эмас.



1.4-расм. 2003-2012-йилларда аҳоли жон бошига суғориладиган ерлар ва асосий стратегик экинлар ҳосилдорлиги ўзгариши¹³

Аммо мустақиллик йилларида мамлакатимиз аҳолиси 1,5 баробар ошди. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, аҳоли жон бошига тўғри келувчи суғориладиган ерлар кўрсаткичи пасайиш тенденциясига эга.

Фонд ташкил этилгунча бундай ерларнинг тахминан 1/5 қисмининг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашганлигини ҳисобга олсак, ушбу кўрсаткич янада пасайганлигини кўриш мумкин. Хусусан, мамлакатимизда 2007 йилга

¹¹ Жамғарма ҳисоботларига асосан;

¹²

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари ва Жамғарма маълумотлари асосида;

келиб мавжуд 4,3 млн гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг 16 фоиздан ортиғининг аҳволи қониқарсиз бўлиб қолганлиги ва ерларнинг минераллашув даражасининг ортиши оқибатида ерларнинг унумдорлиги кескин тушиши қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликнинг кескин камайиш хавфини пайдо қилди.¹⁴ Ушбу пасайишни “юмшатувчи” энг асосий омил айнан суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга қаратилган мелиоратив тадбирлардир;

2) Мамлакатимизда бошқа тармоқлар сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам энг асосий масала қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш ҳисобланади. Маълумки, мамлакатимизда ушбу соҳада меҳнат ресурслари ортиқлиги ва сув ресурсларнинг кўп сарфланиши каби муаммолар сўзсиз бирламчи ҳал этилиши лозим йўналишлар ҳисобланади. Аммо, мелиоратив тадбирлар ҳам қишлоқ хўжалигини интенсивлаштиришда кучли омил сифатида намоён бўлиши илмий исботланган ҳақиқатдир. Шу маънода, қишлоқ хўжалигида “интенсив ўсиш нуқталари” дан бири сифатида тўғри ва самарали ташкил этилган мелиоратив тадбирларни айтиш мумкин. Қолаверса, мамлакатимизда суғоришнинг сувни тежайдиган усуллари жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда энг долзарб масала мамлакатимизда мавжуд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда сув ресурсларини тежайдиган технологиялардан фойдаланишни кенг жорий этиш орқали ҳар 1 метр куб сувга максимал ҳосилдорлик олишга эришиш деб айтиш мумкин.

Юқорида таъкидланган ишларни амалга ошириш ушбу мақсадларга тизимли асосда йирик марказлаштирилган инвестициялар қилишни талаб этади. Айнан ана шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда 2007 йилнинг 29 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3932 сонли

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли Фармони;

“Ерларни мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони қабул қилинган бўлиб, ушбу фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди ташкил этилди.

Ушбу даврда фонд маблағларини ишлатишнинг самарали усулларини ташкил этиш мақсадида қуйидаги ишлар қилинди:

- Фонднинг маблағларини шаклланиш манбалари, уларни қайси мақсадларга йўналтирилишини тартибга солувчи фонд тўғрисидаги Низом қабул қилинди;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли Қарори асосида мелиорация асосий фондлари ва машина трактор паркани янгилаш ва замонавийлаштириш мақсадида “Ўзмелиомашлизинг” давлат унитар корхонаси ташкил этилди;

- Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йилнинг 7 майидаги 92-сонли Қарорига асосан мелиорация тадбирларини самарали ташкил этиш мақсадида сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослашган Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг минтақалардаги давлат унитар корхоналари ташкил этилди;

- Сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этиш ва уларни молиялаштиришнинг самарали ташкил этиш мақсадида: а) Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилнинг 21 июнидаги “Томчилатиб суғориш тизимини ва сувни тежайдиган бошқа суғориш технологияларини жорий этиш ва молиялаштиришни самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 176-сонли Қарори қабул қилинди; б) Ушбу қарорга кўра 2013 - 2014 йиллар даврида Фонд кредит линияси ҳисобига тажриба тариқасида томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш учун тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига кредитлар бериш тартиби жорий этилди;

– Кейинги беш йилда мелиоратив ва сувни тежашга оид тадбирларни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йилнинг 19 апрелида ПҚ-1958-сонли "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Қарорга кўра 2013-2017 йилларда амалга оширилиши кўзда тутилган дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур ирригация ва мелиорация соҳасида ташкил этиладиган тадбирларни комплекс ташкил этишга қаратилганлиги билан 2008-2012 йиллар учун ташкил этилган давлат дастуридан фарқ қилади;

– Ушбу дастурга кўра мамлакатимизда мелиорация ва ирригация тадбирларини ташкил этишда урта манбалар ҳисобидан маблағларни жалб этиш кўзда тутилган. Булар: а) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди маблағлари; б) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан марказлаштирилган инвестициялар ҳисобига; в) Сув истеъмолчилари ва фермер хўжаликлари уюшмаларининг маблағлари;

Сўнгги етти йил ичида мелиорация соҳасига, Фонд ва унга тегишли ташкилий тузилмалар фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди (1.5-расм).

1.5 -расм. Ўзбекистон Республикасида мелiorация соҳасида норматив-ҳуқуқий актлар шаклланишининг асосий босқичлари.



1.4. Биринчи боб бўйича хулосалар.

Биринчи бобда кўрилган масалалар бўйича асосий хулосалар қуйидагилардан иборат:

(i) Давлат мақсадли фондлари фаолиятига баҳо беришда иқтисодий ёндашув муҳим бўлиб, бунда давлатнинг солиқлар ва мажбурий тўловлар орқали эркин бозорга таъсири айнан солиқ юкидан иборат бўлмайди. Шунингдек турли ишлаб чиқариш омилларига ҳам бундай фондлар ташкил этилиши иқтисодий таъсир кўрсатади. Бунда иқтисодчилар томонидан чегаравий сарфлар (marginal cost) тушунчаси киритилади. Давлат мақсадли фондлари иқтисодий самарасини баҳолашга қартилган бир қанча назарий ёндашувлар мавжуд ва уларда давлат харидларини ташкил этишда бундай фондларни ташкил этишнинг иқтисодий зарурияти ва уларнинг иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий ҳолатга таъсири илмий ўрганилган;

(ii) Давлат мақсадли фондлари давлат харидларини ташкил этишнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади (шунингдек давлат бюджети, давлат кредити ва давлат корхоналари молияси давлат харидларини ташкил этишнинг таркибига киради) ва консолидациялашган бюджет таркибига киритилади. Уларни давлат харидларини ташкил этишда алоҳида ажратган ҳолда ташкил этишнинг айрим ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд;

(iii) 2007 йилга келиб мамлакатимизда суғориладиган ерларнинг 16 фоизининг мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлиб қолиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига кескин салбий таъсир кўрсата бошлади. Ушбу масалани ва унга алоқадор бир қанча масалаларни ижобий ҳал этиш мақсадида Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди ташкил этилди. Бугунгача фонднинг ва унга тегишли тузилмалар фаолиятини ташкил этишга тегишли норматив-ҳуқуқий актлар қабул қилинган.

II БОБ. СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ФОНДИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ

2.1. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди молиявий кўрсаткичлари таҳлили ва уларнинг ўзгариш динамикаси.

Муайян турдаги фаолият билан шуғулланиш, биро соҳа ёки тармоқни ривожлантиришда мазкур чора-тадбирларни маблағ билан таъминлашнинг тегишли манбаси, уни сарфлашнинг асосий йўналишларини тўғри ва аниқ белгилаб олиниши маблағлардан самарали фойдаланишни тақозо этади. Юқоридаги бобда қайд этилганидек, тадқиқот объектимиз бўлган Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди давлатнинг иқтисодий функциясига хизмат қилиши баробарида давлат томонидан ижтимоий неъматлар билан таъминлашнинг тўлиғича таъминланишига эришишга хизмат қилади. Шу нуқтаи назарда олиб қаралганда фонд тегишли даромад манбаига эга бўлиши талаб этилади.

2017 йил якунларига кўра мелиорация фонди орқали жами давлат бюджети сарфларининг 0.84 фоизига ва мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 0.2 фоизига тенг маблағлар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилмоқда¹⁵.

Фонд даромадлари қуйидаги манбалардан шакллантирилади:

- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича тушган маблағларга тенг миқдорда Давлат бюджетидан ажратмалар;
- мақсадли бюджет маблағлари;
- халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари;
- маҳаллий ва хорижий грантлар;

¹⁵ www.stat.uz ва www.mf.uz сайтлари маълумотлари асосида ҳисобланган.

– Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар.¹⁶

Бугунги кунда фонднинг асосий даромад манбаси бу қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан тўланадиган ягона ер солиғи бўйича тушган маблағларга тенг миқдорда Давлат бюджетидан ажратмалар ҳисобидан шаклланади.

2.1-жадвал

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг даромадлари ҳолати, млрд. сўм ҳисобида¹⁷

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Ягона ер солиғидан	45,33	42,25	66,02	94,21	111,41	141,70	150,46	180,00
Лизингдан (асосий ва маржа)	-	2,12	6,98	11,16	10,24	11,08	13,73	16,40
Бошқа даромадлар	0,002	0,16	0,32	0,60	0,77	0,87	0,46	-
Мақсадли бюджет маблағларидан тушумлар (ассигнованиялар)	20,00	64,00	76,52	75,76	76,40	67,47	99,60	154,00
Жами	65,35	108,53	149,84	181,73	198,82	221,12	264,25	350,40


Келтирилган 2.1-жадвалда 2008-2015 йилларда фонднинг даромадлари тўғрисида маълумот келтирилган. Маълумотлар асосида кўришимиз мумкинки, фонднинг тахминан 60-70 фоизга тенг тушумлари ягона ер солиғи бўйича тушган маблағларга тенг миқдордаги Давлат бюджетидан ажратмалардан, лизингдан ва бошқа даромадлардан ва тахминан 30-40 фоизга тенг тушумлари мақсадли бюджет ажратмаларидан иборат бўлмоқда.

Бундан асосий хулоса шундан иборатки, фонднинг молиявий мустақиллиги яхши таъминланмаган ва унинг даромадлари асосан давлат бюджетига боғланганлигини хулоса қилишимиз мумкин.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПК-718-сон қарорига 3-ИЛОВА «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғрисида низом»;

¹⁷ www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари асосида

Фондлар зиммасига юклатилган вазифаланинг тўлиқлигича бажарилиши кўпчилик ҳолларда уларнинг молиявий мустақиллиги билан баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот объекти сифатида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондида қайд этилган ҳолатни таҳлил қиламиз.



2.1-расм. Фонд автономлиги ва ягона ер солиғи ставкасининг ўзгариши динамикаси¹⁸

Мантиқан Давлат мақсадли ажратмаларидан бошқа тушумларини фонднинг автоном тушумлари деб ҳисобласак, 2.1 - расм мисолида фонд автономлиги сўнгги йилларда тушиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан 2015 йилда бу кўрсаткич 0.56 га тенг бўлиши кутилаётганлигини қайд этишимиз мумкин. 2009 йилгача кузатилган автономликнинг пасайиши ягона ер солиғи ставкасининг оширилиши билан ўсганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Яъни фонд автономлиги оширилишида айнан солиқ ставкасининг оширилиши муҳим роль ўйнаганлигини қайд этиш мумкин.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бу борада фонднинг автоном тушумларини ошириш борасида қилиниши лозим ишлар мавжуддир.

Фонд тушумларининг асосини ташкил этувчи ягона ер солиғи одатда суғориладиган ерларнинг норматив қийматидан келиб чиққан ҳолда

¹⁸ Жамғарма ҳисобот маълумотлари асосида

ҳисобланади¹⁹. Ушбу қиймат ерларнинг унумдорлигидан келиб чиқувчи кўрсаткич бўлиб, ерларнинг боннитетига бевосита боғлангандир. Иқтисодий мантиқ нуқтаи назаридан ерларнинг боннитети ўсиб бориш темпи фонд иқтисодий сарфларининг номинал ошишидан ортда қолиши йилдан йилга фонднинг молиявий имкониятлари чекланиб бориши рискин пайдо қилади. Мисол учун бошқа фондларнинг кўпчилигида (йўл фонди, пенсия фонди ва умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш фонди кабиларда) ушбу муаммо мавжуд эмас. Бунинг сабаби уларнинг солиқ солиш базаси маҳсулот, иш ва хизматлар нархидан келиб чиқувчи реализация ҳажмидан келиб чиқади. Шу туфайли уларнинг тушумлари ўсиб бориш имкониятлари нисбатан яхши таъминланган. Мелиорация фонди учун бу борада фискал ечим топиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Солиқ ставкаларини ошириш орқали ушбу масаланинг ҳал этилиши қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчиларининг фаолиятига салбий таъсир кўрсатади²⁰. Шундан келиб чиққан ҳолда мелиоратив тадбирларнинг ҳақиқий тўловчиси ким бўлиши керак деган саволга иқтисодий жавоб топилиши энг долзарб масалалардан биридир.

Мантиқий нуқтаи назардан мелиорация фонди орқали жорий даврда сарфланган маблағлар яқин келажакда фонднинг молиявий аҳволига ижобий қайтим олиб келиши керак. Яъни, мелиорация фонди орқали сарфларнинг қилиниши орқали амалга оширилган тадбирлар натижасида суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ошиши керак, натижада уларнинг норматив қиймати ошиши юз бериши керак. Кейинчалик ушбу жараён орқали ягона ер солиғининг базаси кенгайиши кутилиши мумкин ва агар солиқ ставкалари ўзгармайдиган

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 366-моддаси.

²⁰ 2008-2016 йилларда ягона ер солиғи ставкаси икки баробардан зиёд ошган (2.8 фоиздан 6 фоизга кўтарилган).

бўлса, бу орқали бюджетга тушувчи солиқ тушумлари ортиши лозим (2.2 - расм).



2.2.расм. Ягона ер солиғи фонд тушумларини оширувчи омил сифатида²¹

Аммо, ҳозирда ерларни норматив қийматини объектив баҳолаш ва уларни ўз вақтида ўрнатилган тартибда ташкил этишда муаммолар мавжуд. Ерларнинг норматив қийматини баҳолашни ташкил этишга сарфларнинг бу орқали бюджетга тушувчи тушумлардан юқорилиги уларни ташкил этишни интенсивлаштирилмаслигига асосий сабаб сифатида кўрилмоқда. Шунингдек ўрнатилган тартибга кўра суғориладиган ерларнинг норматив қиймати ҳар 3-5 йилда ташкил этилиши белгиланган. Ваҳоланки, лойиҳа тугалланган ерларда уларнинг ҳосилдорлиги бундан қисқа муддатда ўз ижобий таъсирини кўрсатишини кўриш мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ерларнинг норматив қиймати ошиши орқали фондга тушумларнинг кескин ортишини кутиб бўлмайди. Бунга сабаб ерларнинг норматив қиймати ортиб бориш темпи, ерларнинг норматив қийматини аниқлаш методологиясининг бугунги ўрнатилган тартибидан келиб

²¹ Жамғарма маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган;

чиқилса, бундай омиллар фонд тушумларини тахминан 4-5 фоизга ортишига олиб келиши мумкин холос. Қолаверса, ягона ер солиғи тўғри солиқ эканлигини ва уларнинг тўловчиларининг молиявий аҳволига кўрсатадиган таъсиридан келиб чиқилса, ушбу инструментни узоқ келажакда фонд тушумлари учун мезон қилиб олиш унчалик мақсадга мувофиқ эмас. Бу борада албатта қандайдир самарали, инфляцион омилларни инобатга олувчи мезоннинг топилиши муҳим масаладир.

Фонд маблағлари қуйидаги йўналишларга сарфланади:

- Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури доирасида мелиоратив объектларни қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тиклаш;

- Ихтисослаштирилган лойиҳалаш ташкилотлари томонидан лойиҳа-қидирув ҳужжатларини ишлаб чиқиш, Давлат дастурига киритилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишларига;

- Мелиоратив ва бошқа сув хўжалиги тадбирларини бажаришга ихтисослаштирилган қурилиш ташкилотлари, сув хўжалиги фойдаланиш ташкилотлари, сув истеъмолчилари уюшмалари, шунингдек алоҳида фермер хўжаликларининг мелиоратив техника паркини мустаҳкамлаш мақсадида қайтариш асосида, шу жумладан, узоқ муддатли имтиёзли лизинг шартларида, молиялаштириш тадбирлари;

- Давлат дастурида назарда тутилган бошқа ишлар²².

Фонд маблағлари асосан учта йўналишда сарфланаётганлиги айтиш мумкин. Бугунга келиб фонд сарфларининг тахминан 90 фоизи реконструкция, қурилиш ва таъмирлаш - тиклаш ишларига сарфланмоқда.²³ Охирги йилларда лизингга йўналтирилган маблағларнинг улуши жами сарфларда тушиб

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 31 октябрдаги ПҚ-718-сон қарорига 3-ИЛОВА «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси тўғрисида низом»;

²³ Жамғарма ҳисобот материаллари асосида;


бормоқда. Фонд ташкил этилган илк йилларда бундай сарфлар нисбатан юқори бўлган ва мелиоратив техника паркининг яхшиланиши ва тегишли ташкилотларнинг бу борадаги аҳволи яхшиланиши билан кейинги даврларда асосий маблағлар реконструкция, қурилиш ва таъмирлаш - тиклаш ишларига сарфланмоқда.

2.2-жадвал

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг харажатлари ижроси, млрд.сўм ҳисобида²⁴

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015
Реконструкция-қурилиш	20.0	44.9	68.0	79.1	85.1	103.6	122.0	146.4
Таъмирлаш-тиклаш	25.2	51.6	64.8	75.6	90.3	96.9	110.8	156.0
Лизинг	29.3	25.4	27.2	20.0	25.7	28.4	29.0	35.0
Сақлаш харажатлари	0.8	0.9	1.0	1.2	1.5	1.9	2.3	3.0
Томчилатиб суғориш	-	-	-	-	-	-	0.14	10.0
Жами харажатлар	75.3	122.8	161.0	175.9	202.6	230.8	264.24	350.40

Фонддан сарфланаётган маблағларнинг таркиби динамикасига қарайдиган бўлсак, сўнгги йилларда реконструкция-қурилиш ишлари улуши ортганлигини кўриш мумкин.



2.3-расм. Фонддан сарфланган маблағларнинг йўналишлар бўйича улуши (%).

²⁴ Жамғарма ҳисобот материаллари асосида;


Фонд маблағларини сарфланишида лойиҳаларни шакллантириш, келишиб олиш ва тасдиқлаш босқичлари асосан ўнта босқични ўз ичига олади (2.4-расм). Лойиҳалар ҳар йили Фонд томонидан шакллантириладиган манзилли рўйхатларга киритилади ва тегишли молия йили параметлари таркибида ўрнатилган тартибда тасдиқлангандан сўнг ижро этилади. Лойиҳаларни амалга ошириш ва фонддан маблағларни сарфланишида иштирок этувчи асосий субъектлар қуйидагилардир:

2.3-жадвал

Лойиҳаларни амалга ошириш ва фонддан маблағларни сарфланишида иштирок этувчи асосий субъектлар ва уларнинг мақоми.

Иштирокчи орган	Мақоми
Фонд Департаменти	- Фонд маблағларининг бош тасарруфчиси; - Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш, магистрал коллекторларни таъмирлаш ва тиклаш объектлари бўйича буюртмачи; - Қайтариш асосида маблағлар бериш йўли билан мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизациялаш воситалари харид қилинишини молиялаштирувчи (инвестор); - Туманлараро коллекторларни, хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини, мелиоратив насос станциялари (агрегатлари)ни, вертикал дренаж қудуқларини ва кузатиш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш объектлари бўйича молиялаштирувчи (инвестор); - Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича лойиҳаларни молиялаштирувчи (инвестор);
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Курилаётган корхоналар бирлашган дирекциялари (ҚКБД)	Туманлараро коллекторларни, хўжаликлараро коллектор-дренаж тармоқларини, мелиоратив насос станциялари (агрегатлари)ни, вертикал дренаж қудуқларини ва кузатиш тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш объектлари бўйича буюртмачи ва бу борада Фонд маблағларининг қўйи тақсимловчилари;
“Ўзмелиомашлизинг” ДЛК	Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фаолияти ва бошқа сув хўжалиги ишлари билан шуғулланувчи сув хўжалиги қурилиш ва фойдаланиш ташкилотларига, шунингдек сув истеъмолчилари уюшмаларига ва фермер хўжаликларига уларнинг топшириғига кўра харид қилувчи (буюртмачи) ва уларни тегишли субъектларга лизингга берувчи;
Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналари	Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини лойиҳаларда белгиланган тартибда бажарувчи; Изоҳ: ўрнатилган тартибга кўра улар шартномаларда кўрсатилган ишларнинг камида 60 фоизини ўз кучи билан бажаришлари керак.

2.4 -расм. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг ҳар йилги манзилли дастурларини шакллантириш, келишиб олиш ва тасдиқлаш СХЕМАСИ



2.2. Танлов ва тендерларнинг Фонд маблағларининг самарали ишлатилишидаги ўрни.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун²⁵нинг 7-боби “Танлов” деб номланади. 49-моддада “Танлов” тушунчаси изоҳланган. Танлов деганда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган иштирокчи ғолиб деб топиладиган харид қилиш тартиб-таомилини амалга оширишнинг тури тушунилади.

Давлат хариди тўғрисидаги ахборот давлат буюртмачиси томонидан махсус ахборот порталига танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва танлов хужжатларини жойлаштириш орқали чекланмаган доирадаги шахсларга маълум қилинади.

50-модда Танлов ўтказиш мезонларига бағишланган.

Танлов воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) батафсил ва аниқ таърифни таърифлаш имконияти мавжуд;

ғолибни аниқлаш мезонлари товар (иш, хизмат) давлат харидининг нафақат пул ифодасига, балки миқдорий ва сифат баҳосига ҳам эга бўлади;

товар қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг беш минг бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади;

хизматларнинг, ишларнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан йигирма беш минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этади.

Бюджет буюртмачилари учун танловдаги давлат харидлари:

товарнинг қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг икки минг беш юз бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак;

ишларнинг, хизматларнинг қиймати энг кам иш ҳақининг йигирма беш бараваридан олти минг бараваригача бўлган миқдорни ташкил этиши керак.

Агар инвестиция лойиҳалари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари билан давлат буюртмачиларига тендерни ўтказмасдан товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилган тақдирда, харид қилиш тартиб-таомили давлат харидининг суммасидан қатъи назар танлов ўтказиш орқали амалга оширилади.

51-модда Танлов ўтказишда харид комиссиясига бағишланган. Давлат харидини танлов ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида беш нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади.

Шартномани бажариш бўйича энг яхши шартлар танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

Давлат харидлари тўғрисидаги қонун²⁶нинг 8-боби “Тендер” “Танлов” деб номланади. 58-моддада Тендер тушунчаси изоҳланган. Тендер деганда давлат харидини икки босқичда амалга оширишнинг рақобатли тартиб-таомили орқали ижрочини аниқлаш усули тушунилади. Бунда шартномани бажариш бўйича энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ушбу тартиб-таомил натижалари бўйича ғолиб деб топилади.

Давлат хариди ҳақидаги ахборотни давлат буюртмачиси тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълонни ва тендер ҳужжатларини махсус ахборот порталига жойлаштириш орқали шахсларнинг чекланмаган доирасига маълум қилади.

Шартномани бажаришнинг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

59-модда Тендер ўтказиш мезонлари га бағишланган. Тендер воситасидаги давлат хариди қуйидаги шартлар бир вақтнинг ўзида бажарилган тақдирда амалга оширилади:

ғолибни аниқлаш мезонлари товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) нафақат пул билан баҳоланишини, балки миқдорий ва сифат жиҳатидан баҳоланишини ҳам ўз ичига олади;

товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг йигирма беш минг бараваридан ортиқ миқдорни ташкил этади.

Бюджет буюртмачилари учун тендердаги давлат харидлари бир шартнома бўйича энг кам иш ҳақининг олти минг бараваридан ортиқ суммани ташкил этиши керак.

60-модда Тендерни ўтказишда харид комиссиясига бағишланган. Шартномани бажаришнинг энг яхши шартлари тендер иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш бўйича эълон қилинган мезонлар асосида харид комиссияси томонидан аниқланади.

Давлат харидини тендер ўтказиш орқали амалга ошириш учун камида етти нафар аъзодан иборат таркибда харид комиссияси тузилади, комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитасининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзинжиниринг» республика лойиҳалаштириш институтининг вакиллари киритилиши шарт.

Бугунги кунда Фонд орқали амалга оширилган ишларнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги самарадорлигига ижобий таъсир қилаётганлиги кўп маротаба эътироф этилмоқда. Хусусан, бу борада Президентимиз шундай деган эди: “ ... Ўтган даврда бу борада кўрилган чоралар натижасида 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача

шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир²⁷.”

Фонд орқали 2008-2014 йилларда амалга оширилган ишларни таҳлил этсак, уларни асосий учта йўналиш бўйича баҳолаш мумкин. Булар (i) мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш, (ii) мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишлари ва (iii) мелиорация техникалар паркани яхшилаш бўйича ишлардан иборатдир.

Ушбу даврда учала йўналишда жами 1 266.3 млрд. сўмлик ишлар бажарилган бўлиб, улардан 550.5 млрд.сўм қурилиш-реконструкция ишларини, 534.9 млрд.сўм таъмирлаш-тиклаш ишларини, 180.9 млрд.сўм мелиорация техникаси билан таъминлаш ишларини ташкил этган. Бажарилган ишларнинг пулдаги ва техник кўрсаткичлардаги умумий маълумоти қуйида келтирилган жадвалда келтириб ўтилган (2.4.-жадвал).

2.4 –жадвал.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури бўйича амалга оширилган ишларнинг бажарилиши²⁸

т/р №	Тадбирлар номи	Ўлч. бирлиги	2008-2014 йилларда жами
1	Мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш	млрд.сўм	550.5
	- Очиқ коллекторларни	км	4914.7
	- Ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларини	км	640.1
	- Бошқа мелиорация объектларини	дона	5897
	- Инспекторлик йўлларини	км	11.1
2	Таъмирлаш-тиклаш ишлари	млрд.сўм	534.9
	- Очиқ коллектор-дренаж тизимларида	км	86379.0
	- Ёпиқ горизонтал дренаж тармоқларида	км	5512.4
	- Бошқа мелиорация объектларида	дона	24338

²⁷

²⁸ Жамғарма ҳисобот материаллари асосида

3	Мелиоратив техника, машина ва механизмларни лизингга етказиб бериш	млрд.сўм	180.9
	- Харид қилинган турли техникалар	бирлик	1835

Фонд фаолиятига баҳо беришда, алоҳида қабул қилинган давлат дастурлари бўйича олинган самарани баҳолаш мумкин. Чунки фонд томонидан қилинган ишлар бўйича мукаммал ҳисобот тайёрлаш ҳар бир дастур якунида амалга оширилади. Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19.03.2008 й. ПҚ-817-сон "2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори асосида амалга оширилган ишлардан олинган самарани таҳлил этишимиз мумкин. Фонднинг фаолияти асосан учта йўналиш бўйича кўрсаткичларни яхшилашга қаратилган. Булар: а) ўрта ва кучли шўрланган ерлар майдонини камайтириш; б) сизот сувлар меъёрининг 2 метрдан пасайишига эришилган майдонларни кўпайишига эришиш; в) мелиоратив ҳолати яхшиланиши таъминланган (мелиоратив ҳолати ёмонлашишига йўл қўйилмаган) майдонларни кўпайишига эришишдан иборат. 2008-2012 йиллар учун мўлжалланган давлат дастури бўйича 1200.1 минг гектар суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилانган.

2.5 -жадвал.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида бажарилган ишлар самараси²⁹

	Дастур амалга оширилгунга қадар ҳолат					Дастур амалга оширилишидан олинган самара (минг.га)				
	суғориладиган ерлар майдони	шулардан:				Мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар	шу жумладан:			
		Шўрлан- маган	Шўрлан- ган	шу жумладан:			шўрланган ерлар майдонининг меъёрининг 2 м дан пасайишига эришилган	ҳолати яхшиланиши таъминланган		
				кучсиз шўрланган н	ўрта ва кучли шўрланган н					

²⁹ Жамғарма ҳисобот материаллари асосида

		минг га.	%	минг га.	%	минг га.	%	минг га.	%				
Жами	4282.0	2127.3	49.7	2154.9	50.3	1325.3	31.0	829.6	19.4	1200.1	81.0	364.6	754.5

Мамлакатимизда ушбу дастур якунланиши билан жами суғориладиган ерлар майдони 4307.8 минг гектарга етган ва уларнинг 1285.5 минг гектари пахта майдонларини, 1137.4 минг гектари буғдой майдонларини ташкил этган. Биринчи беш йилликда ҳудудларда жами 1680 та лойиҳалар амалга оширилган бўлиб, уларнинг 562 таси реконструкция қурилиш ва 1327 таси таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича лойиҳалар бўлган. Мелиоратив ҳолати яхшиланган 1200.1 минг гектар суғориладиган ерларнинг 553.1 минг гектари пахта майдонлари, 464.7 минг гектар ерлар буғдой майдонлари ва 182.3 минг гектари бошқа экин майдонларининг ҳиссасига тўғри келган. Шунингдек ушбу даврда жами 1378 бирлик турли хилдаги мелиорация техникалари харид қилинган бўлиб, ушбу ишлар “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси орқали амалга оширилган.

Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, ушбу соҳада қилинаётган ишларнинг натижасини хирмонга кирган ҳосил билан тушунтириш муҳимдир. Шу маънода биринчи беш йилликда мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар бўйича асосий стратегик экинлар бўлган пахта ва буғдойнинг ялпи ҳосилдорлигини қандай ошганлигини тахминий ҳисоблаб топиш имкониятига эгамиз (2.6 -жадвал).

2.6 -жадвал.

2008-2012 йилларда мелиоратив ҳолати яхшиланган пахта ва буғдой майдонларида ҳосилдорликнинг ортиши динамикаси.

Кўрсаткичлар	Пахта	Бугдой
Мелиоратив ҳолати яхшиланган ерлар (га)	553,100.00	464,700.00
Ҳосилдорликнинг ўртача ортиш кўрсаткичи ³⁰ (кг)	250.00	350.00
Ялпи ҳосилнинг ортиши (кг)	138,275,000.00	162,645,000.00

Демак, мелиорация соҳасида қилинган биринчи беш йилликда бажарилган ишлар, асосий стратегик экинлар бўлган пахта ялпи ҳосилини тахминан 138 минг тоннадан ортиқ, бугдойнинг ялпи ҳосили 162 минг тоннадан ортиқ ошишини таъминлаган дейиш мумкин. Албатта мелиорация ишларининг сифатидан келиб чиққан ҳолда ушбу кўрсаткичнинг бир неча йилларга ижобий таъсирини кутиш мумкин. Биринчи беш йилликда Фонддан жами 748.4 млрд.сўм маблағлар сарфланганлигини ҳисобга олсак, ушбу ишларнинг асосий стратегик экинлар орқали иқтисодий қайтими 3.5-4 йилга тенг бўлишини айтиш мумкин. Бошқа экин майдонлари орқали олинган самара орқали ушбу муддат янада қисқаришини кутишимиз мумкин.

Сўнгги 15 йилдаги мамлакатимиз деҳқончилик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари динамикасига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ЯИМдаги бошқа компонентлардан кўра нобарқарор кўринишга эга бўлганлигини кўриш мумкин (2.5-расм). Фонд ташкил этилган йилда ушбу кўрсаткич энг минимал кўрсаткични кўрсатган (103.3 %) ва кейинчалик барқарор ўсиб бориш тенденциясини таъминлаганлигини кўришимиз мумкин. Албатта бу кўрсаткичда мелиорациядан бошқа омилларга ҳам ушбу кўрсаткич таъсирчанлигини ҳисобга олиш муҳим (масалан сув ресурслари, иқлим ва ташкилий масалалар кабилар).

³⁰ Ўртача кўрсаткич олинган.

2.5 -расм. 2000-2013 йилларда Ўзбекистон Республикасида деҳқончилик ишлаб чиқариш ўсиш суръатлари (фоизда)³¹.



Кейинги беш йил учун қабул қилинган давлат дастурида жами 1132 минг гектар ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланиши кўзда тутилган бўлиб, қувонарли томони ушбу дастур ирригация ва мелиорация соҳаси, шунингдек сув ресурсларини тежаш бўйича комплекс ёндашув асосида ишлаб чиқилган. Шу маънода бизнингча мелиорация тадбирлари бу муаммонинг оқибати билан курашишга қаратилган тадбирлардир. Муаммони келтириб чиқараётган сабаб айнан суғориш, ирригация соҳасидаги муаммоларда ўз аксини топади. Айнан комплекс чора тадбирлар бу борада келажакда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг ҳам олдини олишда яхши самара беради. Бу борада ишлаб чиқиладиган лойиҳаларни яхлит ёндашув билан амалга ошириш улардан кутиладиган самарани янада ошириши мумкин.

2.7 -жадвал.

2013-2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида бажариладиган ишларнинг кутилаётган самараси тўғрисида умумий маълумот (манба: Фонд молиявий ҳисоботлари)

	Дастур амалга оширилгунга қадар ҳолат				2013-2017 йилларда Дастур амалга оширилишидан олинган кўзда тутиладиган самара (минг.га)						
	адиган ерлар майdon	шулардан:			ҳолати яхшила надиган ерлар	шу жумладан:					
		Шўрлан-	Шўрлан-	шу жумладан:		ерла р	май дон	дан наса йини	ига нини	и	таъ

³¹ www.stat.uz сайти маълумотлари асосида тайёрланган;

		маган		ган		кучсиз шўрланган		ўрта ва кучли шўрланган					
		минг га.	%	минг га.	%	минг га	%	минг га	%				
Жами	4307.8	2196.8	51.0	2108.8	49.0	1360.2	31.6	748.6	17.4	1132.0	91.0	371.4	669.6

2013-2017 йилларда мелиорация фонди орқали амалга ошириладиган ишлар учун 1130.7 млрд.сўм маблағлар сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 574.4 млрд.сўм маблағлар қурилиш-реконструкция ва 555.2 млрд.сўм маблағлар таъмирлаш-тиклаш ишларига йўналтирилиши кўзда тутилган (2.7 – жадвал). Албатта дастурнинг комплекс характерга эга эканлиги, унда Фонддан ташқари ҳам бошқа молиялаштириш манбаларининг кўзда тутилганлиги ва улар томонидан ҳам ишларнинг мукамал ижро этилиши дастурнинг самарасини ижобийлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади (2.6-расм). Қолаверса дастур орқали ташкилий-ҳуқуқий масалаларга қаратилган ҳам бир қанча тадбирларни бажариш кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу давлат дастурини сўзсиз бажарилишига қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг 39-сонли қарори ҳам қабул қилинган.

2.6-расм. 2013-2017 йиллар учун мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш Давлат дастурини молиялаштириш манбалари³².



2008-2013 йилларда фонд орқали сарфланган маблағлар ва қилинган ишларни ҳудудлар кесимида таҳлил қилишимиз ҳам мумкин. Маълумки, мамлакатимиз ҳудудлари турли хилдаги деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятига эгадир.

Мамлакатимиз ҳудудлари кесимида қишлоқ хўжалик экинлари экилган бир гектар майдонга тўғри келадиган деҳқончилик маҳсулоти кўрсаткичи асосида ҳудудларимизни юқори, ўрта ва паст деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга ҳудудларга бўлишимиз мумкин (2.8-жадвал). Бунда мамлакатимиз ҳудудларининг 2008-2013 йилларда деҳқончилик ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ва умумий экин экилган майдонлари тўғрисидаги маълумотлар асосида уларда бир гектар ерга тўғри келувчи деҳқончилик ишлаб чиқариш ҳажмини топишимиз мумкин бўлади³³. Шундан сўнг уларнинг деҳқончилик салоҳияти бўйича ва уларда мавжуд шўрланган ерлар бўйича улушига қараб уларни таҳлил этишимиз мумкин бўлади.

³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958 – сонли қарори асосида;

³³ www.stat.uz сайти маълумотлари асосида;

2008-2013 йилларда Худудларда деҳқончилик салоҳияти бўйича мелиорация сарфларининг ўзлаштирилиши³⁴


Т/р	Худудлар	1 га экин экилган майдонга деҳқончилик ишлаб чиқариш ҳажми (млн.сўм)	Мелиорация фондидан жами қилинган ишлар (млрд. сўм)
Юқори деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга худудлар (20-30 млн.сўм/га)			
1	Андижон вилояти	29.77	73.68
2	Самарқанд вилояти	22.00	46.72
3	Навоий вилояти	21.27	41.41
4	Тошкент вилояти	21.08	62.29
5	Наманган вилояти	20.73	54.73
Худудлар бўйича жами			278.83
Ўрта деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга худудлар (10-20 млн.сўм/га)			
1	Бухоро вилояти	19.72	111.86
2	Фарғона вилояти	17.73	92.00
3	Сурхондарё вилояти	17.65	75.70
4	Хоразм вилояти	13.47	122.42
5	Сирдарё вилояти	11.32	70.48
Худудлар бўйича жами			472.46
Паст деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга худудлар (0-10 млн.сўм/га)			
1	Қашқадарё вилояти	9.12	87.87
2	Жиззах вилояти	6.38	69.84
3	Қорақалпоғистон Республикаси	6.29	101.02
Худудлар бўйича жами			258.73
Барча Худудлар бўйича жами			1,010.02

Кўриб турганимиздек, бешта худудларда юқори, бешта худудларда ўрта ва учта худудларда паст деҳқончилик салоҳияти мавжуд деб баҳолашимиз мумкин. Аммо, мелиоратив ҳолати ёмон ерларнинг асосий қисми айнан паст ва ўрта деҳқончилик салоҳиятига эга худудларда мужассамлашган. Уларда мелиорация ишларининг ўзлаштирилишини қуйидаги диаграмма мисолида кўришимиз мумкин. Унга кўра 2008-2013 йилларда қилинган жами мелиорация ишларининг 28 фоизини жами шўрланган ерларнинг тахминан 8 фоизига эга юқори деҳқончилик салоҳиятига эга худудлар ўзлаштирган, 47 фоизга тенг мелиорация ишларини шўрланган ерларнинг тахминан 51 фоизига эга ўрта

³⁴ Жамғарма молиявий ҳисоботлари ва муаллиф ҳисоб-китоблари;

деҳқончилик салоҳиятига эга ҳудудлар ўзлаштирган. Шўрланган ерларнинг 41 фоизи тўғри келадиган паст деҳқончилик салоҳиятига эга ҳудудлар жами мелиорация ишларининг 26 фоизини ўзлаштирган (2.7-расм).

2.7-расм. 2008-2013 йилларда Ҳудудлар кесимида шўрланган ерлар ва уларга мелиорация сарфларининг тақсимланиши (фоизларда)³⁵.



Ҳудудларни бундай кесимда таҳлил қилишнинг асосий жиҳати шундан иборатки, уларга мелиорация сарфлари қилишда иккита концептуал масалани уйғунлаштириш муҳим масала ҳисобланади. Булар сарфлардан кутиладиган иқтисодий қайтим ва ҳудудларда ер ресурсларини яхшилаш орқали қишлоқ хўжалигини



интенсивлаштириш масаласи. Айнан ушбу икки муҳим мезон бўйича ҳам ҳудудларнинг салоҳияти хилма-хиллигидан келиб чиқилса, уларда мелиорация сарфларини қайси йўналишда кучайтириш керак деган саволга жавоб топилиши лозим бўлади. Мисол учун Андижон вилоятига қилинган бир сўмлик мелиорация сарфлари Қорақалпоғистон Республикасига қилинган бундай

³⁵ 2.8-жадвал асосида тайрланган;

сарфлардан тез ва юқори иқтисодий қайтим олиб келишини кутиш мумкин. Бунга сабаб иқлим, сув ресурслари билан таъминланганлик, деҳқончилик маданияти ва ишчи кучи каби омилларда Андижон вилоятида яққол устунлик бор. Бундан келиб чиқилса, иқтисодий қайтим масаласида деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳияти юқори ҳудудлар афзалликка эга, бироқ интенсивлаштириш, ер ресурслари сифатини ошириш борасида деҳқончилик салоҳияти ўрта ва паст ҳудудларда қилиниши лозим долзарб ишлар кўп ва уларни амалга ошириш пировардликка эга. Айнан ушбу масаладан келиб чиққан ҳолда мелиорация сарфларини йўналишлари ва улар бўйича миқдорларини ҳудудларни категорияларга ажратган ҳолда алоҳида ёндашув асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин. Бунда ўрта ва паст деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга ҳудудларда реконструкция-қурилиш ишлари ва узок муддатли лойиҳаларга устунлик бериш лозим, юқори деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятига эга ҳудудларда таъмирлаш-тиклаш ишларига устунлик бериш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек қилинган мелиорация ишларининг самарасига баҳо беришда ҳам уларнинг салоҳияти (ер ресурсларининг аҳволидан бошқа) дан келиб чиққан ҳолда таҳлил ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Айнан деҳқончилик ишлаб чиқаришида мелиорация омилининг ўрнини регрессион таҳлил орқали баҳолашга ҳаракат қиламиз. Бунда кўп ўзгарувчили регрессион моделни қуришимиз керак бўлади. Моделда имкон қадар деҳқончилик ишлаб чиқаришига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олишимиз лозим бўлади. Деҳқончилик ишлаб чиқариши турли миқдорий ва миқдорий бўлмаган омилларга таъсирчан халқ хўжалиги тармоқларидан биридир. Табиат, инсон ва молиявий-техник хусусиятга эга бир қанча омиллар унинг динамикаси бевосита ёхуд билвосита таъсир кўрсатади. Шунингдек деҳқончилик ишлаб чиқариш натижасининг жорий нархларда ҳисобланиши унга инфляцион омил таъсирини кучайтиради. Шу туфайли деҳқончилик ишлаб чиқариш натижаларини 1 га ерга экин турлари бўйича ҳосилдорлик ва 1 га ерга тўғри

келадиган ресурслар миқдори билан тушунтириш таклиф этилади. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Макроиктисодий тадқиқотлар ва прогнозлаштириш институти ўтказган таҳлилда айнан мана шундай методология танланган (пахта, буғдой, сабзаёт ва узум олинган). Шунга асосан биз 2004-2013 йиллар учун мамлакатимизнинг 13 та ҳудуди бўйича буғдой экин ҳосилдорлигини унга тегишли ресурслар омили билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз (2-илова). Нима учун айнан буғдой учун модел танланган деган савол туғилиши табиий. Биз ўз моделимиз учун 1 гектар ерга сув сарфлари кўрсаткичини ҳам олдик. Маълумки, буғдой учун сув истеъмоли ва сув ресурслари вегетация даврида ўртача бўлиши етарли. Мисол учун пахта ҳосилдорлигида сув сероб бўлган йилларда ҳосилдорлик паст бўлиб, сув танқис йилларда ҳосилдорлик юқори бўлганлиги аниқланган. Шундай экан моделнинг шу томонлама мантиқий тушунтирилишини яхшилаш мақсадида буғдой учун модел қуриш танланди.

Унга кўра қуйидаги моделни қуришимиз мумкин:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \beta_3 X_3 + \beta_4 X_4 + \beta_5 X_5 + \beta_6 X_6 + \varepsilon \quad (1)$$

Бу ерда:

Y – ҳудудлар бўйича кузатилган даврда буғдой ҳосилдорлиги (ц/га);

X_1 – 1 га экин экиладиган ерга тўғри келувчи доимий аҳоли сони (га/киши);

X_2 – 1 гектарга солинган минерал ўғит (тонна);

X_3 – 1 гектарга солинган органик ўғит (тонна);

X_4 – 1 га экин майдонга тўғри келадиган мелиорация сарфлари (минг сўм);

X_5 – 1 га экин экилган майдонга тўғри келадиган сув сарфи (минг куб);

X_6 – 1 га ерга СИУ лар томонидан кўрсатилган хизмат (минг сўм);

β – мос равишда эркин ўзгарувчининг боғлиқ ўзгарувчига таъсирини кўрсатувчи коэффициентни ифодалайди;

ε – боғлиқ ўзгарувчига таъсир этувчи тасодифий хатолик ўлчови.

Албатта бизнинг мақсадимиз ушбу мелиорация сарфлари омили буғдой ҳосилдорлигини қандай тушунтиришини аниқлашга қаратилади. Унинг модел учун аҳамияти борми, йўқми деган саволга жавоб топамиз. Энг аввало барча ўзгарувчи ва ўзгармас омиллар учун корреляцион таҳлил ўтқазамиз. Унга кўра барча моделда қатнашувчи омилларнинг ўзаро боғлиқлиги, тушунтирилувчи омил ва ўзгарувчилар ўртасида мултиколениарлик муаммоси борлиги ёки йўқлигини текшириб кўрамиз.

2.9-жадвал.

Буғдой ҳосилдорлигини тушунтирувчи модел учун олинган омиллар ўртасида боғлиқлик кўрсаткичи (корреляцион матрица). (MINITAB дастурида ҳисобланган)

	Y	X ₁	X ₂	X ₃	X ₄	X ₅
X ₁	0.212					
X ₂	0.315	0.101				
X ₃	0.352	0.225	0.112			
X ₄	0.097	0.087	-0.120	0.144		
X ₅	-0.18	-0.049	-0.453	0.011	0.582	
X ₆	0.589	-0.02	-0.060	0.315	0.404	-0.026

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, буғдой ҳосилдорлиги кўрсаткичи ва гектарига мелиорация сарфлари ўртасида боғлиқлик деярли йўқ. Шунингдек гектарига сув сарфларида ҳам буни кузатишимиз мумкин. Моделда танланган ўзгарувчилар ўртасида ўзаро боғлиқлик натижасидан кўришимиз мумкинки, улар ўртасида мултиколениарлик муаммоси мавжуд эмас. 1 гектарга минерал ва органик ўғитлар, аҳоли сони ва сув истеъмолчилар уюшмалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар билан ҳосилдорлик ўртасида нисбатан боғланиш яхшилиги кузатилди. Аммо ушбу боғланишни ҳам кучли деб бўлмайди.

Энди барча танланган ўзгарувчилар қатнашган модел учун регрессион таҳлилни ўтқазамиз. Модел ва ундаги ўзгарувчилар учун F- синов ва T-синов ўтқазамиз.

Қуйида келтирилган жадвалдан кўришимиз мумкинки, модел учун X_3 , X_4 ва X_5 омиллар Т-синовда аҳамиятсизлиги келиб чиқди. Аммо қолган ўзгарувчилар иштирок этган моделни аҳамиятли деб ҳисоблаш мумкин.

2.10-жадвал.

Буғдой ҳосилдорлигини тушунтирувчи модел учун ҳудудлар кесимида ўтқазилган регрессион таҳлил натижалари жамланма жадвали. (MINITAB дастурида ҳисобланган)

Кўрсаткичлар	Барча танланган ўзгарувчилар учун натижалар	Модел учун аҳамиятли ўзгарувчилар учун
Танланган тушунтирувчи	6 та	3 та
Тушунтирувчи ўртачаси	$X_1=4.859, X_2=0.30, X_3=7.178, X_4=50.96, X_5=14.07, X_6=6.50$	$X_1=4.859, X_2=0.30, X_6=6.50$
Стандарт четлашиш	$X_1=6.217, X_2=0.06, X_3=5.9, X_4=28.8, X_5=5.6, X_6=3.94$	$X_1=6.217, X_2=0.06, X_6=3.94$
β_0	13.1	3.81
β_1	3.97	3.86
β_2	38.4	54.5
β_3	0.184	1.23
β_4	-0.24	-
β_5	-0.292	-
β_6	1.17	-
F-қиймат	15.97	28.66
F-қиймат (p-value)	0.000	0.000
F-синов учун гипотеза (H_0 ёки H_1)	H_1	H_1
Т-синов	$X_1=4.98, X_2=2.09, X_3=1.13, X_4=-0.59, X_5=-1.14, X_6=4.35$	$X_1=4.79, X_2=3.41, X_6=4.86$
Т-синов (p-value)	$X_1=0.000, X_2=0.042, X_3=0.265, X_4=0.561, X_5=0.259, X_6=0.000$	$X_1=0.000, X_2=0.001, X_6=0.000$
Т-синов учун гипотеза (H_0 ёки H_1)	$X_1= H_1, X_2=0. H_1, X_3= H_0, X_4= H_0, X_5= H_0, X_6= H_1$	$X_1= H_1, X_2= H_1, X_6= H_1$
R^2	68.0%	64.2%
R^2 (adj)	63.8%	61.9%
Четлашишлар (ANOVA)		
Regression - df	6	3
Residual Error - df	45	8
Total - df	51	51
Regression - SS	3961.32	3735.8
Residual Error - SS	1859.94	2085.5
Total - SS	5821.27	5821.3
Regression - MS	660.22	1245.3
Residual Error - MS	41.33	43.4

Келгуси таҳлиллар учун таклифлар. Бизнингча мелиорация сарфлари қилинган майдонлардаги ҳосилдорликни кузатиш ва унга боғлиқ таҳлилни ўтқозиш ва ҳосилдорликнинг ўзгаришига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам

моделга қўшган ҳолда ташкил этиш ва таҳлилни қайтариш унинг натижасини яхшилаши мумкин.

2.3. Иккинчи боб бўйича хулосалар.

2008-2017 йилларда мелиорация фонди орқали 1.2 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар мелиорация объектларини куриш ва реконструкция қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларига, шунингдек мелиорация техникалари паркинни янгилашга йўналтирилган. Маблағларни сарфлаш, лойиҳаларни шакллантириш, келишиш ва тасдиқлаш механизми йўлга қўйилган.

Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури орқали, мелиоратив тадбирлар тақшил этилиши натижасида бугунгача 1.7 млн. гектардан ортиқ ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшилانган. Бунинг натижасида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошган ва бу бундай лойиҳаларга сарфланган маблағларнинг иқтисодий қайтими асосий стратегик экинлар орқали 3.5-4 йилга тенг бўлишини таъминламоқда. Шунингдек ҳудудлар бўйича ўтказилган таҳлил натижасида ҳам асосий иккита концептуал масалани уйғунлаштириш муҳим. Булар сарфланган маблағлардан олинадиган иқтисодий қайтим ва қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш масалаларидир. Бундай ёндашув лойиҳаларни ташкил этганда ҳудудларнинг турли омилларда мавжуд салоҳиятини чуқур ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйишда долзарблик касб этади.

Мелиорацияни деҳқончилик ишлаб чиқаришида кучли омил эканлигидан келиб чиққан ҳолда буғдой учун кўп факторли регрессион таҳлилда модел учун ушбу омил аҳамиятсиз деб топилди. Бунга сабаб унинг айнан сарфлар қилинган йилдага ҳосилдорликка таъсир этмаслиги, яъни кейинги ҳосил йилларига таъсир этиши ва ҳудудларда ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлик ва деҳқончилик ишлаб чиқариш салоҳиятининг хилма хиллиги ўртача кўрсаткичларга кўрсатадиган таъсири моделнинг сифат кўрсаткичларига ёмон таъсир этди.

III-БОБ. СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРНИНГ МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ ФОНДИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

3.1. Давлат мақсадли фондлари фаолиятини йўлга қўйишда жаҳон тажрибасини Ўзбекистон амалиётида қўллаш.

Жаҳон тажрибасида ҳар қандай мамлакатнинг давлат харидларини ташкил этишни ташкил этиш ушбу мамлакат иқтисодиётининг хусусиятлари, макроиқтисодий ҳолат ва хусусий инвестициялар фаоллиги, шунингдек аҳоли даромадларидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Қолаверса ўтиш давридаги ва ривожланган мамлакатларда ҳам Давлат мақсадли фондлари нинг ташкил этилиши уларнинг жорий ҳолатдаги заруриятидан келиб чиқиб ташкил этилади. Давлатнинг турли ижтимоий ва иқтисодий вазифаларини бажариш ва барқарор ривожланиш стратегияси, хавфсизлиги каби бир қанча масалаларни бевосита ва билвосита ҳал этиш айнан мақсадли фондлар зиммасига юкланади. Мамлакатда мавжуд иқтисодий тузумга кўра эркин бозор иқтисодиётига яқин мамлакатларда Давлат мақсадли фондлари нисбатан ижтимоий йўналишларда давлат вазифа ва функцияларини бажаришда фаол бўлиб, иқтисодий йўналишларда фонд бозори ва улушли усулда, давлат инвесторлардан бири сифатида намоён бўлади. Масалан, АҚШ, Буюк Британия, Канада ва Япония каби мамлакатларда ижтимоий суғурта, тиббий суғурта ва пенсия таъминоти масалаларида оммавий фондлар (public funds) ўрни беқиёс бўлиб, улар нафақат ижтимоий сиёсат ижрочилари балким, фаол инвесторлар сифатида ҳам фаолият юритишади. Улар фудициар жавобгарлик асосида турли ажратмалар ва аъзолик бадаллари, шунингдек турли йиғимлар бўйича жамланган маблағларни турли инвестиция дастурларига йўналтиришга қаратилган фаолиятни ҳам ташкил этишади. Японияда пенсия фонди Давлат инвестицион пенсия фонди (Government Pension Investment Fund (GPIF)) сифатида ташкил этилган бўлиб, риск менежменти яхши йўлга қўйилганлиги ҳисобига ушбу фонд иқтисодиётдаги турли

лойиҳаларга сармоя киритишда фаол манбалардан бири бўлиб ҳисобланади. Кўпгина молиявий институтлар (фонд бозори, суғурта ва ҳ.з) яхши ривожланган мамлакатларда ижтимоий фондлар ихтиёридаги маблағларни рентабеллиги юқори лойиҳаларга инвестиция қилиш, акциялар харид қилиш орқали улушларга эга бўлиш каби соҳаларда фаоллигини кузатиш мумкин. Бу бир томондан фондларнинг тушумларини яхшиланишига олиб келса, иккинчи томондан иқтисодиётда бўш маблағларнинг инвестицияларга жалб этилишини яхшилайти (маблағларнинг мобиллигини оширади). Бизнингча мамлакатимиз ижтимоий фондларининг ҳам ривожланиш йўналишлари ушбу масалага қаратилиши яхши натижа беради. Баъзи фондларда бўш маблағларни самарали бошқариш борасида муаммолар мавжуд ва уларнинг инвестицион лойиҳаларга жалб этилиши умумиқтисодиёт нуқтаи назаридан фойдалидир.

Иқтисодий йўналишдаги фондлар борасида мамлакатларда сўнгги йилларда айнан давлат харидларини ташкил этиш орқали инфратузилма соҳасига инвестициялар муҳимлигини кўп маротаба таъкидланмоқда. 2008-2009 йиллардаги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан сўнг ушбу инқироздан “кам талофат” билан чиққан ва иқтисодий ўсиш таъминланган мамлакатларнинг кўпчилиги айнан инфратузилма соҳасига инвестициялар қилинишида етакчи давлатлар бўлди (масалан Хитой, Ҳиндистон, Сингапур, БАА кабилар). Мисол учун Жаҳон банкининг 2008-2009 йиллардаги молиявий-иқтисодий инқирозгача қилинган таҳлилига кўра кўпгина ривожланган мамлакатларнинг инфратузилма соҳасига (ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси) инвестициялари ЯИМнинг 3-4 фоизига тенг бўлган³⁶. Ваҳоланки, мамлакат барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаши учун ушбу кўрсаткич 7-9 фоиз бўлиши таклиф этилади³⁷. Ривожланган мамлакатларда инқирознинг чуқур кечиши ва унинг макроиқтисодий барқарорлик учун кескин таъсир кўрсатиши айнан ушбу

³⁶ UNCTAD (2008). “World Investment Report 2008: Transnational Corporations and the Infrastructure Challenge: Overview”. New York and Geneva: United Nations.

³⁷ UN DPI (2008). “Financing for Development”, UN Department of Public Information - DPI/2520C - November 2008.

омилнинг етарлича ҳисобга олинмаганлиги билан ҳам характерланади. Одатда кўпгина бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар тажрибасида айнан ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасига инвестициялар маълум бир даврда рентабеллик ва иқтисодий қайтим масаласининг биринчи ўринга қўйилиши оқибатида эътибордан четда қолиши кузатилади. Кейинчалик инқироз даврида давлатнинг фаол аралашуви ва бундай соҳаларга давлат дастурларининг жонлантирилиши орқали иқтисодий инқироздан чиқиш кузатилади (мисол учун 1929-1933 йиллардаги “Буюк инқироз” даврида ҳам ушбу жиҳатни кузатишимиз мумкин). Айнан ушбу жиҳатдан келиб чиқиб хулоса қилишимиз мумкинки, мамлакатимизда давлат дастурларининг ижтимоий ва иқтисодий фондлар орқали мунтазам давлат дастурларининг ташкил этилишини тўғри ёндашув дея баҳолаш мумкин. Қолаверса, сўнгги йиллардаги мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишнинг таъминланишидаги асосий омиллардан бири ва тараққиётнинг “ўзбек модели”даги муҳим жиҳатлардан бири ҳам айнан мана шу деб айтишга асослар етарлидир.

Айнан мелиорация соҳасини молиялаштиришни ташкил этишда АҚШ, Исроил ва Озарбайжон давлатлари тажрибасини кўрадиган бўлсак³⁸, улардаги айрим жиҳатларни мамлакатимиз мелиоратив тадбирларини ташкил этилишида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

АҚШ бугун ирригация ва мелиорация тадбирларини ташкил этиш ва молиялаштириш борасида 113 йиллик тажрибага эга мамлакатдир³⁹. Мамлакатда ирригация ва мелиорация тадбирларини молиялаштириш даставвал бундай лойиҳаларга сарфланган маблағларни фермерлардан ўн йилга тўлиқ бўлиб-бўлиб қайтариб тўлаб бериш шарти билан фойзаларсиз молиялаштириш

³⁸ Ушбу давлатлар тажрибасини ўрганилишининг асосий сабаби уларнинг иқлим шароити арид хусусиятга эга ва деҳқончиликда суғориш учун шарт-шароитлар мамлакатимизга анча яқинлигидадир.

³⁹ Биринчи мелиорация тўғрисидаги қонун 1902 йилда қабул қилинган (“Reclamation Act”) ва шундан кейин федерал дастурлар ишлаб чиқиши ва молиялаштирилиши йўлга қўйилган.

тартиби йўлга қўйилган⁴⁰. Кейинчалик ушбу муддат 1914 йилда 20 йилга узайтирилган. Янги тартибга кўра лойиҳа бошланишида фермерлар лойиҳа қийматидан 5 фоиз миқдорида аванс тўлови, лойиҳа топширилгандан сўнг бешинчи йилдан бошлаб жами лойиҳа қийматининг 5 фоизига тенг йиллик тўловларни беш йил давомида ва кейинги ўн йилда йилига 7 фоиздан қолган лойиҳа қийматини тўлаб бериш тартиби жорий этилган (5 % (аванс) + 25 % (5 йилдан кейин 5 йил давомида беш фоиздан) + 70 % (7 фоиздан ўн йил)=100 %). Ушбу усул ҳам иш бермаганлиги туфайли 1927 йилда бундай лойиҳаларни фермерлар 40 йил давомида тўлаб бериши жорий этилди. Аммо ушбу тартиб ҳам йирик дебитор қарзлари йиғилиши муаммоси туфайли ўзини оқламади. Шундан сўнг АҚШ Мелиорация Бюроси томонидан 1939 йилда янги қонун асосида ирригация ва мелиорация лойиҳаларини фермерларнинг тўловга қобиллигидан келиб чиқиб белгилаш ва бу бўйича давлат хизматида махсус орган ташкил этилади (фермерлар тўловга қобиллигини баҳоловчи комиссия). Ҳозиргача ушбу усул асосида (“ability to pay policy”) фермерлардан маблағ ундириш амал қилади. Аммо кўпгина ҳолларда бундай тадбирлар АҚШ Қишлоқ хўжалик департаменти (USAD) томонидан махсус лойиҳалар асосида молиялаштирилади. Ушбу дастурлар давлат фермерларни қўллаб-қувватлаш дастурлари (Farm Bills) нинг ажралмас қисми бўлиб, фермерларнинг турмуш тарзини яхшилаш сиёсатининг бир қисми сифатида қаралади⁴¹.

АҚШ тажрибасидан мамлакатимиз учун олинадиган хулоса шундан иборатки, ирригация ва мелиорация тадбирларининг “молиявий юки”ни тўлиқ фермерларга юклаш мақсадга мувофиқ усул эмас деб ҳисоблаш мумкин. Оддий мисол, тўланиши лозим бўлган ягона ер солиғи бўйича ҳам етарлича муаммолар юзага келаётганлигини ҳисобга олсак, бундай тадбирларни марказлашган

⁴⁰ “Economic aspects of cost-sharing arrangements for federal irrigation projects: a case study”, Ghebreyohannes Keleta, Robert A. Young, Edward W. Sparling, Colorado State University, December, 1982

⁴¹ Сўнгги давлат дастури 2014 йилнинг 7 феврилида қабул қилинган бўлиб, унда ҳам мелиорация борасида дастурлар қабул қилинган.

давлат ҳаридларини ташкил этиш орқали давлат бюджетидан молиялаштирилиши энг маъқул йўналишлигини хулоса қилиш мумкин. Аммо фермерларнинг, деҳқонларнинг мелиорацияга муносабатини ўзгартириш ва уларнинг бундай тадбирларнинг молиявий оқибатларига жавобгарлигини ошириш нуктаи назаридан уларга молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бир қисм сарфларни тўланишини юклаш йўлга қўйилиши мумкин. Бирок ушбу усуллар ҳам жуда пухта ўйланган, асосли тарзда ташкил этилиши лозим.

Ирригация ва мелиорация соҳасида **Исроил** бутун дунёда етакчи мамлакатлардан биридир. Жами сарфланадиган сув ресурсларининг бор-йўғи 20 фоизини суғоришга ишлатган ҳолда, қишлоқ хўжалигида банд бир ишчи 95 кишини боқадиган ушбу мамлакатда бундай тадбирларни ташкил этиш тажрибаси ўзига хосдир. Ушбу давлатда магистрал ва марказий ирригация мелиорация тармоқлари давлат ҳисобидан мунтазам субсидиялар ажратиш орқали молиялаштирилади⁴². Эътиборлиси Исроилда ирригация ва мелиорация тадбирларини ташкил этишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни беқиёсдир. Бундай ташкилотлар ушбу дастурларнинг ташкилий-ҳуқуқий ва илмий масалаларида жуда фаоллигини кўриш мумкин. Бу бир томондан давлат ҳаридларини ташкил этишга ортиқча юкни камайтирса, иккинчи томондан дастурлардаги лойиҳалар устидан жамоатчилик назорати жорий этилишини таъминлайди. Мисол учун, Яҳудийлар миллий фонди (National Jewish Fund) мамлакатдаги суғориладиган ерларни бошқариш борасида йирик тажрибага эга нодавлат нотижорат ташкилотдир. Маълумотларга кўра ушбу ташкилот ташаббуси билан мамлакатдаги 95 фоиздан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати назорати ўрнатилган. Қолаверса мелиорация соҳасидан мамлакат илмий потенциалини оширишда Халқаро арид ерлар консорциуми (International arid lands consortium) фаолиятини ҳам муҳим ўрин тутди. Шу

⁴² Журнал "Нивы Зауралья" № 6 (117), июль 2014;

маънода Исроилнинг мелиорация соҳасидаги сўнгги илм-фан ютуқлари имплементацияси борасидаги тажрибаси мамлакатимиз учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек мамлакатимизда ҳам Исроилдагидек ирригация ва мелиорация соҳасига, қолаверса қишлоқ хўжалигига тегишли нодавлат нотижорат ташкилотлар фаоллигини оширишга эътибор қаратилиши муҳим масалалардан биридир.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларидан Озарбайжонда Собиқ Иттифоқ парчаланишидан сўнг ирригация ва мелиорация объектларининг кескин ёмонлашуви туфайли қишлоқ хўжалиги жар ёққасига келиб қолган эди. Мамлакат 2006 йилгача ирригация ва мелиорация объектларига етарлича инвестициялар қилмаслиги ва уларнинг техник имкониятлари ёмонлашиши ҳисобига мамлакат ихтиёридаги мавжуд 1.5 млн гектарга яқин суғориладиган ерларнинг 930 минг гектарга яқинининг мелиоратив ҳолати кескин ёмонлашуви кузатилган⁴³. Мамлакатда 2006 йилда 2008-2015 йилларда мелиорацияни мақсадга мувофиқ ривожлаштириш ва сув менежментини ривожлантириш давлат дастури қабул қилинган. Ушбу дастурга кўра давлат дастурини амалга ошириш қуйидаги учта манба ҳисобидан молиялаштирилиши белгиланган: а) давлат бюджети маблағлари; б) давлат нефть фонди маблағлари; в) хорижий маблағлар (халқаро молия институтлари грантлари ва имтиёзли кредитлари ва ҳ.з.). Озарбайжонда кўпгина давлат дастурларида давлат нефть фонди (State Oil Fund) нинг ўрни бекиёсдир. Бу ушбу фонднинг мамлакат нефть экспортидан тушган маблағларидан ташкил топганлиги ва барқарор даромад манбаи сифатида шаклланганлиги билан характерланади. Хусусан, ирригация ва мелиорация тадбирларини молиялаштиришда ушбу фонд сўнгги молиялаштириш манбаси (сўнгги кредитор) вазифасини бажаради. Бу бир томондан лойиҳаларнинг

⁴³ Review of World Bank engagement in the Irrigation and Drainage Sector in Azerbaijan, International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank, February 2013.

молиялаштирилишининг кафолати бўлса, иккинчи томондан халқаро маблағлар учун ҳам кафил вазифасини бажаради. Шу маънода давлат дастурлари молиялаштирилиши ушбу фондни муҳим деб ҳисоблаш мумкин. Мамлакатимизда ташкил этилган Тикланиш ва тараққиёт фондига ҳам ушбу жиҳатлар ҳослигидан келиб чиқилса, давлат дастурларида, хусусан мелиорация соҳасидаги дастурларда ҳам ушбу фонд фаоллигини таъминлаш ва унинг кафил сифатидаги сўнгги молиялаштириш манбаси сифатида жорий этилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, мелиорация фонди орқали халқаро грантлар ва имтиёзли кредитлар сустигидан келиб чиқилса, албатта ушбу фонд билан бошқа мақсадли фондлар ўртасидаги кооперацияни кучайтириш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин.

Ирригация ва мелиорация тадбирларини ташкил этишда энг қадимий ва ўзига хос тажрибага эга мамлакатлардан бири бу **Миср** давлатидир. Ушбу мамлакатда сиёсий тузум 1952 йилдаги инқилобдан сўнг қайта ташкил этилгандан сўнг қишлоқ аҳолисини қашшоқликдан қутқариш, бандликни таъминлаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида ерларнинг мелиоратив ҳолатига қартилган комплекс дастурлар ишлаб чиқиш амалиёти кенг йўлга қўйилган⁴⁴. Миср тажрибасидан олинадиган асосий жиҳат шундан иборатки, мамлакатда инқилобдан кейинги 60 йилдан кўп вақт давомида бир нечта беш йиллик дастурлар ташкил этилган ва уларнинг самараси турлича бўлганлигини кузатиш мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири давлат органлари шунингдек уларни молиялаштирувчи институтларнинг мелиорацияни “тушуниши” даврлар мобайнида бир-биридан фарқ қилганлигини кўриш мумкин. Масалан, 1966 йилгача давлат мелиоратив дастурлари кенг маънода тушунилган ва бу борадаги тадбирлар мелиорация, янги ўзлаштирилган ерлардаги аҳолининг мелиоратив билимларини ошириш ва

⁴⁴ “Egyptian Land Reclamation since the Revolution” Author(s): Sarah P. Voll Source: Middle East Journal, Vol. 34, No. 2 (Spring, 1980), pp. 127-148;

кишлоқларни моделлаштиришни ҳам ўз ичига олган, яъни жуда комплекс ёндашувга асосланган. Бироқ 1966 йилдан сўнг мелиорацияни тушуниш доираси торайиб борган ва фақат мелиоратив объектларни қуриш ва реконструкция қилиш борасидаги тадбирлар ушбу масалада устувор бўлиб борган⁴⁵. Аммо ерларнинг мелиоратив ҳолатининг яхшиланишида комплекс чора-тадбирлар орқали ёндашув асосида амалга оширилган дастурларнинг самараси ижобий бўлганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин. Бизнингча мамлакатимизда ҳам мелиоратив тадбирларга комплекс чора-тадбирлар орқали ёндашувга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқдир.

3.2. Фонд фаолиятини ривожлантириш ва унинг имкониятларини ошириш йўналишлари.

Ҳозирда мамлакатимизда 150 минг километрга яқин коллектор дренаж тармоқлари мавжуд. Фонд бугунги кунда йилига тахминан ўртача 13-13.5 минг километр коллектор дренаж тармоқларини таъмирлаш-тиклаш ва 800 километрга яқин коллектор дренаж тармоқларини қуриш ва реконструкция қилишни ташкил этиш ва молиялаштириш салоҳиятига эгадир. Ушбу тенденциядан келиб чиққан ҳолда фонднинг бир километр коллектор дренажга сарфлар қилишининг даврийлиги тахминан 10-11 йилга тенг бўлмоқда. Табиийки савол туғилади, ушбу муддатда коллектор-дренажлар ишчи ҳолатини сақлаб тура оладими? Бизнингча коллекторларни таъмирлаш-тиклаш ишларини камида 5-7 йилда такрорлаш лозим, акс ҳолда ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлашувини олдини олиш имконияти бўлмайди. Бунинг учун фонднинг салоҳиятини камида 1.5 баробарга ошириш лозим бўлади. Бунинг учун албатта маълум вақт ва чора-тадбирларнинг амалга оширилиши талаб этилади. Чунки, лойиҳаларни амалга оширувчи пудрат ташкилотлари ва уларнинг техник имкониятларининг ва мутахассислар билан таъминланиши яхшиланиши маълум


⁴⁵ “Egyptian Land Reclamation since the Revolution” Author(s): Sarah P. Voll Source: Middle East Journal, Vol. 34, No. 2 (Spring, 1980), pp. 127-148;

вақт талаб этадиган жараёндир. Шундай экан асосий стратегия фондни мелиорация тадбирларини амалга оширишдаги ягона, энг кучли молия институтига айланишига эришишга қаратилиши керак.

Фонд тушумларини яхшилаш йўналишлари бўйича таклифлар.

Фонд тушумларининг асосий манбаси давлат бюджети бўлиб қолаётганлиги, унинг давлат бюджетидан ажратмалар орқали молиялаштириш механизми унинг имкониятларини чекловчи омил сифатида қаралиши керак. Албатта ҳар қандай усул ва мезон олинмасин сўнги молиялаштириш манбаси давлат бюджети бўлиб қолар экан, фонднинг барқарор молияси барқарор давлат бюджетига бевосита боғлиқдир. Яъни бу ерда барқарор давлат бюджети – барқарор фонд тушумлари қоидаси амал қилади. Шундай бўлсада, фонд тушумларидаги айрим ўзгаришлар қилиниши унинг ташкилий ва режалаштириш борасидаги имкониятларини такомиллаштириши мумкин. Бу масалада қуйидаги учта йўналишда ўзгаришлар қилиниши яхши натижа бериши мумкин:

1. Ягона ер солиғи йиғилувчанлик кўрсаткичи паст солиқлардан бири ҳисобланади (11-чизма). Давлат Солиқ қўмитасидан 2009-2013 йиллар учун ягона ер солиғи бўйича олинган маълумотларга кўра ушбу солиқнинг тахминан ўртача 50 фоизи бюджетга ўз вақтида тушмаслиги ва уларни ундириш кейинги йилга ўтиши аниқланди. Кейинги йилда ундирилган маблағлар эса фондга маблағлар тушириш учун инобатга олинмайди. Ваҳоланки, агар Фондга тушумлар ягона ер солиғи бўйича бюджетга тушган эмас, ҳисобланган суммалар миқдорида амалга оширилиши белгиланганда унинг автономлиги тўлиқ таъминланган бўлар эди (3.1-расм).



3.1-расм. ЯЕС ва ЯЕС бўйича Фондга тушган маблағлар, Фонднинг автономлик коэффициенти⁴⁶

Шундан келиб чиққан ҳолда бу борада асосий таклифлар қуйидагилардир: а) Ерларнинг норматив қийматини ўз вақтида ва аниқ методологиялар бўйича баҳолаб боришни ташкил этиш лозим. Бунинг натижасида уларнинг қиймати ҳар йилги жами ягона ер солиғи ҳисоблаш базасининг 4-5 фоиз ошиб боришига олиб келади (ДСҚ маълумоти мавжуд). б) Фондга давлат бюджетидан ажратмаларни ягона ер солиғи бўйича бюджетга тушган эмас, ҳисобланган суммалар миқдорида тушиб боришини таъминлаш керак. Ягона ер солиғининг ўз вақтида тўланмаслиги муаммоси иккинчи муаммонинг яъни фонд тушумларининг чекланиш муаммосининг сабабига айланиб қолишига олиб келади. Ягона ер солиғининг ўз вақтида бюджетга тушмаслигини ҳал этиш йўллари қидирилиши керак. Бу албатта алоҳида тадқиқот ишининг мавзуси бўлиб, унинг сабаблари ва ечимлари комплекс ўрганилиши керак. Аммо фонд тушумларига мезон сифатида ушбу солиқ суммаси олинар экан ҳозирги шароитда унинг ҳисобланган суммасигина фонд тушумлари ошиб боришни жонлантириши мумкин (бюджетга тушган маблағларга тенг суммалар эмас).

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва жамғарма маълумотлари асосида

2. Бугунги кунда фонд тушумларининг тахминан 10 фоизи мелиорация техникасини харид қилиш учун “Ўзмелиомашлизинг” ДЛКга ўтказиб берилмоқда. Ўз навбатида “Ўзмелиомашлизинг” ДЛК ушбу маблағларнинг бир қисмини хориждан техника сотиб олиш учун конвертация қилиш учун йўналтирмоқда. Шартномаларнинг асосий қисми АҚШ долларида амалга оширилиши ва конвертация жараёни маълум муддат талаб қилиши, шунингдек мамлакатимизда АҚШ доллари курсининг ҳар йили 10-12 фоизга ўсиб бориш тенденциясидан келиб чиқилса, бундай операциялардан қуйидаги муаммолар келиб чиқади: а) Конвертация жараёнининг ўз вақтида амалга оширилмаслиги туфайли монетар оқибатлар келиб чиқади. Яъни конвертацияларнинг амалга оширилиш муддатларида юз берадиган курс ўсишларини пул билан давлат лизинг компанияси тўлаб бериши керак бўлади. Бу эса ўз навбатида мелиорация фонди ёки лизинг компаниясининг елкасига келиб тушади. б) Бундай усулда техникаларни харид қилиш уларнинг етиб келиши ва лойиҳаларга жалб қилиниши секинлаштирувчи омил ҳисобланади. Уларнинг ўз вақтида етказилмасдан қолиши эса лойиҳаларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Шундан келиб чиққан ҳолда бизнингча мелиорация техникасини хориждан харид қилиш учун лозим валюта маблағларини Тикланиш ва тараққиёт фондидан (ТТЖ) тўғридан-тўғри молиялаштиришни жорий этиш лозим. Ҳар йилги мелиорация техникаси хариди режасида ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишларни юқорида таклиф этилган тартибда ташкил этилишини белгилаш лозим. Умуман олганда мелиорация техникаси харидини конвертация талабномаси орқали ташкил этишни бекор қилиш керак. Бизнингча ушбу масалада фондлар фонди мақоми базавий тармоқларни тиклаш ва модернизация қилиш вазифаси юкланган Тикланиш ва тараққиёт фондига берилиши лозим. Шунингдек қолган барча Давлат мақсадли фондлари да ҳам ТТЖ мақсадлари билан бир хил бўлган йўналишларга таалукли валюта

операциялари бўйича молиявий операциялар ТТЖга юклатилиши мантиқан тўғридир. Бу ўз навбатида барча фондларга валюта курслари бўйича салбий фарқлар натижасида келиб чиқувчи молиявий сарфларни йўқолишини таъминлайди. Қолаверса вазифаларни ўз вақтида бажарилишини таъминлашга ва конвертация ташкил этилиши билан боғлиқ транзакцион сарфларни иқтисод қилишга олиб келади.

3. Фонднинг давлат бюджетидан бошқа манбалардан тушумларини жонлантириш лозим. Низомга кўра халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, маҳаллий ва хорижий грантлар, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағ манбалари ва даромадлар ҳам фонднинг тушумлари сифатида эътироф этилган. Шундан келиб чиққан ҳолда фонднинг халқаро молия институтлари маблағларини ўзлаштириш ва грантлар жалб этиш билан боғлиқ фаолиятини жонлантириш лозим. Шунингдек баъзи мамлакатлар тажрибасига кўра қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспортида қишлоқ хўжалик инфратузилмаси соҳасига инвестиция қилган мамлакатларга маҳсулотлар нархларидан чегирмалар бериш амалиёти мавжуд. Яъни тўғридан-тўғри инвестицияларни чегирмаларга айрибошлаш амалиёти мавжуд. Бундай йўналишларда ҳам айрим тадқиқотлар олиб бориш мумкин.

Фонддан маблағларни сарфлаш йўналишларини такомиллаштириш бўйича таклифлар. Албатта фонддан маблағлар сарфланишини такомиллаштириш унинг тушумларидан ҳам муҳим йўналиш деб айтиш мумкин. Фонддан маблағлар сарфланишида иқтисодий самара тўғрисида бир оз тўхталиш мақсадга мувофиқдир. Бунда икки тушунчани бир-биридан фарқлаш лозим. Биринчидан, сарфларни меҳнат унумдорлигини ошиши ҳисобига қисқариб боришидан олинadиган иқтисодий самара бўлса, иккинчидан, сарфларни техник кўрсаткичларнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда сунъий қисқартириш (ингл. - cost cutting) орқали иқтисод қилиш. Иккинчи

усулда сарфларни иқтисод қилиш кўпинча лойиҳалар сифатининг пасайиши билан “тўланади”. Шундай экан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ва уларнинг танланиш методологиясига қаратилган чора-тадбирларни яхшилаш орқали таъминлашга интилиш лозим. Шунингдек лойиҳалар таркибидаги ишлар кетма-кетлигини, лойиҳанинг шакллантирилишидаги ишларнинг амалга ошириш муддатларини самарали усуллар орқали ташкил этиш лозим.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни бериш мақсадга мувофиқдир: а) Лойиҳаларни уларнинг таркибидаги ишлар кетма-кетлиги ва муддатларини белгилаб олишда критик ва нокритик ишларни ажратиш лозим. Мисол учун куз ойларида пахта экилиши кутилаётган майдонларда ёпиқ дренаж қуриш режалаштирилган лойиҳаларнинг борлиги бундай лойиҳаларда ишлар кетма-кетлиги ва муддатлар бўйича ҳисоб-китобларда кескин хатолар борлигини билдиради. Ваҳоланки, бундай камчиликлар фондга ва маҳаллий ҳокимият органларига қўшимча ташкилий сарфлар пайдо қилади. Фонд учун лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилмаслиги ва ҳисоб-китоблар графигида қўшимча келишувлар билан боғлиқ сарфлар ва пудратчи учун эса молиявий жарималар пайдо бўлиши рискин пайдо қилади. Бизнингча бундай лойиҳаларда конкрет тадбирлар муддатларини фонд, пудратчи ва маҳаллий ҳокимият органлари билан ҳамкорликда график кўринишида тасдиқлаш ва критик ишларнинг бажарилишини мониторинг қилишни жорий қилиш лозим. б) Лойиҳаларни манзилли рўйхатларга киритиш, танлаш ва уларнинг кетма-кетлигини белгилаш, шунингдек пудратчиларни аниқлаш борасида аниқ мезонларга асосланган методология жорий этиш лозим. Бунда иерархиялар тахлили усули орқали лойиҳалар кетма-кетлигини белгилаш тартибини жорий этиш мумкин. Бу борада фонднинг лойиҳалар билан ишлаш бўлими бошлиғи Ш. Саидов 2015 йилда Давлат бошқаруви академияси “Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш факультети”, “Қарорлар қабул қилиш

назарияси” кафедрасида “Инвестицион лойиҳаларни танлашда самарали қарор қабул қилиш усуллари” мавзусида битирув малакавий ишини ёқлаган. Малакавий ишда иерархиялар таҳлили усулини қўллаш бўйича бир қанча таклифлар келтирилган. Ана шулардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифларни бериш мумкин: а) Лойиҳаларни кетма-кетлигини баҳолашга қаратилган тажриба тариқасида битта ҳудуд бўйича манзилли рўйхатларни иерархиялар таҳлили усули билан шакллантиришни йўлга қўйиш. Бунда халқаро грантлар асосида тренинг ташкил этиш ва ишларни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш мумкин. б) Лойиҳалар кетма-кетлигини аниқлаш ва уларнинг умумий кўрсаткичларини устувор мезонлар бўйича баҳолашга оид тавсия тусига эга қўлланмаларни ишлаб чиқиш. Секин аста бу борада тажрибани кўпайтириш ва уларни кенг тарғиб этиш.

Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 февралдаги 39-сонли қарорида белгиланган вазифалардан келиб чиқувчи чора-тадбирларнинг амалга оширилишининг таъминланиши ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Фонд фаолиятига тегишли ташкилий, концептуал аҳамиятга эга йўналишлар бўйича таклифлар. Фонд фаолияти асосан ерларнинг мелиоратив ҳолатида мавжуд муаммоларнинг оқибатлари билан курашишга қаратилган. Бу борадаги асосий сабаб суғоришнинг нобоплиги, суғориш маданиятининг пастлиги, ирригация объектларининг техник кўрсаткичлари пастлиги ва ердан фойдаланиш усулларидаги камчиликлар каби бир қанча омилларга боғлангандир. Агар ана шу йўналишларда ижобий ўзгаришлар юз бермас экан, ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиши учун рисклар мавжуд бўлиб қолаверади.

Одатда биз ҳосилдорликни ер ресурсига нисбатан аниқлашга ва айнан шу бўйича деҳқоннинг ишига баҳо беришга яъни 1 гектар ерга ҳосилдорлик кўрсаткичи орқали ҳулоса чиқаришга одатланганмиз. Аммо деҳқончилик ишлаб чиқаришида иштирок этувчи асосий омиллардан бири бўлган сувга нисбатан

ҳосилдорликни аниқлашга (ц/куб метр) унчалик ҳам эътибор бермаймиз. Сув истеъмолининг умумий кўрсаткичлари эътиборга олинади, аммо сув истеъмолчилари кесимида ушбу кўрсаткични аниқлаш амалиёти мавжуд эмас. Бизнингча бу борада сувни ҳисобга олиш ва сув истеъмолчиларининг ушбу ресурсни ишлатиш динамикасини мониторинг қилиш усулларини такомиллаштириш лозим. Бу борада қилинадиган ишлар натижасида қуйидагиларга эришиш мумкин бўлади: а) ерларни суғоришга кўп сув сарфлаётган сув истеъмолчиларини ва уларнинг ерларнинг мелиоратив ҳолатини ёмонлаштириши эҳтимоллигини конкрет аниқлаш имконияти бўлади. Бу орқали уларга нисбатан манзилли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин бўлади. б) Сарфланган сув сарфига қараб сувни тежашга қаратилган тадбирлар, хусусан фонд орқали ва бошқа давлат дастурлари орқали жорий этилаётган усулларнинг самарасини баҳолаш ва динамикасини таҳлил этиш имконияти пайдо бўлади. Бизнингча сувни тежаш сиёсатининг асосий масаласи энг аввало сув истеъмолчиларининг сув сарфларини индивидуал хўжаликлар кесимида конкретлаштиришдан бошланиши керак. Бу сувни тежаш бўйича давлат дастурларининг аниқ йўналтирилишига олиб келади ва самарасини оширади.

Шунингдек мелиорация соҳасидаги давлат дастурлари ташкил этилишида қишлоқ хўжалигида мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаол жалб этилиши, жамоатчилик назоратининг яхшиланиши ва мелиоратив тадбирларнинг асосий бенефициарлари бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаоллигининг оширилиши жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Ваҳоланки, ушбу қилинаётган ишларнинг барчаси айнан уларнинг манфаатлари учун хизмат қилиши кўзда тутилганлигини улар томонидан англаниши бу борадиги ишларга ижобий таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Юқорида кўрилган ва илмий тадқиқотда таҳлил этилган масалалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги якуний хулосаларни қилишимиз мумкин:

✓ Давлат мақсадли фондлари давлатнинг турли ижтимоий-иқтисодий вазифа ва функцияларини тўлақонли ташкил этилишида муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизнинг тараққиёт моделидан келиб чиққан ҳолда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати, давлат дастурлари орқали ишлаб чиқариш инфратузилмаларини тиклаш ва модернизация қилиш тартиби Давлат мақсадли фондлари фаолиятига бевосита боғлангандир. Бундай фондлар фаолиятига баҳо беришда молиявий жиҳатдан эмас, балки иқтисодий самара нуктаи назаридан ёндашиш лозим бўлади. Бу борада бир қанча назарий ёндашувлар бўлиб, улар бозор мувозанатига, ҳамда ишлаб чиқариш омилларига мақсадли фондлар ташкил этилишининг таъсирини баҳолашга доир бир қанча қарашларни илмий асосланишига эришган;

✓ Мамлакатимиз Бюджет кодексига кўра ҳозирда етти Давлат мақсадли фондлари мавжуд бўлиб, уларнинг тўрттаси ижтимоий ва учтаси иқтисодий мақсадларга йўналтирилган. Уларнинг барчаси давлат консолидациялашган бюджетига киради ва 2015 йилда уларда консолидациялашган бюджетнинг 36 фоизига ва ЯИМнинг 12 фоизига тенг маблағлар жамланиши кўзда тутилган;

✓ Мамлакатимизда 2007 йилга келиб асосий бойлигимиз бўлган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати кескин ёмонлашуви кузатилди. Мавжуд 4.3 млн. гектар суғориладиган ерларнинг 16 фоиздан ортиғининг мелиоратив ҳолати қониқарсиз бўлиб қолиши ва мелиоратив объектлар ишчи ҳолатининг кескин ёмонлашуви қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсата бошлади. Ушбу масалаларни ижобий ҳал этиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2007 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-718-сон қарори асосида

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди ташкил этилди ва ҳозирда мелиоратив тадбирларни амалга оширишдаги энг асосий молия институти сифати намоён бўлмоқда;

✓ Фонд ташкил этилгандан сўнг, бугунгача (i) Фондга тегишли асосий ташкилий-ҳукукий масалалар ҳал этилди, бу борада бир қанча нормативлар қабул қилинди (ii) унинг тушумлари ва харажат йўналишлари белгилаб олинди, бу борада махсус Низом ишлаб чиқилди (iii) Фонд орқали жами 1.2 трлн. сўмдан ортиқ маблағлар мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш, таъмирлаш-тиклаш ишларига, шунингдек мелиоратив техника сотиб олишга йўналтирилди (iv) 2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури якунланди ва дастур амалга оширилиши натижасида 1.2 млн. гектардан зиёд суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди (v) мелиоратив тадбирлар амалга оширилиши натижасида экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ҳосилдорлик ошишига эришилди (vi) Фонд иштирокида 2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича қабул қилинган давлат дастури бўйича лойиҳалар амалга оширилмоқда;

✓ Давлат мақсадли фондлари ташкил этиш ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирларни молиялаштириш борасида айрим хорижий мамлакатлар тажрибасидан қилинадиган хулосалар қуйидагилардан иборат: (i) ижтимоий фондлар нафақат давлат ижтимоий сиёсатининг ижрочилари, балким турли инвестиция дастурларининг ҳам фаол иштирокчилари ҳисобланади (ii) иқтисодий фондлар асосан ишлаб чиқариш инфратузилмаларига тегишли дастурларни молиялаштирувчи институтлар сифатида намоён бўлади. Жаҳон тажрибасида ишлаб чиқариш инфратузилмаларига инвестициялар ЯИМнинг 7-

9 фоизига тенг бўлиши таклиф этилади. Мақсадли фондларининг эса бундай инвестицияларда ўрни бекиёсдир. Демак, улар орқали мунтазам маблағларнинг ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектларига йўналтирилиши барқарор иқтисодий ўсиш ва макроиқтисодий барқарорликда жуда муҳим деб ҳисоблаш мумкин;

✓ Мелиоратив тадбирларни ташкил этишда айрим хорижий мамлакатлар тажрибасидан олинган хулосалар қуйидагилардан иборат: (i) мелиоратив тадбирларнинг “молиявий юки”ни фермерларга тўлиқ юклаш мақсадга мувофиқ эмас (ii) мелиоратив тадбирларни ташкил этишда уларнинг бенефициарлари иттифоқлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва турли илмий ташкилотлар ўрни муҳим. Улар бир томондан давлат харидларини ташкил этишга ортиқча юкни камайтирса, иккинчи томондан дастурлардаги лойиҳалар устидан жамоатчилик назорати жорий этилишини таъминлайди (iii) Турли хом-ашё ресурсларига бой мамлакатлар тажрибасида уларни жаҳон бозорида сотишдан тушган маблағлардан махсус фондлар ташкил этиш ва улар орқали базавий тармоқларга инвестицияларни жалб этиш тажрибаси мавжуд (iv) Мелиоратив тадбирларни асосан давлат органлари ва молия институтлари ташкил этар экан, улар томонидан мелиорацияни “тушуниш” масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода мелиорацияни тор ва кенг маънода жорий этиш тажрибаси Миср мамлакати тарихида ўз аксини топган. Бунда мелиорацияни ерларни мелиоратив ҳолатига тегишли комплекс ёндашув асосида ташкил этиш уларни фақат мелиоратив объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш-тиклашга қаратилган лойиҳалар орқали ташкил этишдан самаралироқ бўлганлиги кузатилган. Аммо комплекс ёндашув анча молиявий юки оғир йўналиш ҳисобланганлигидан, бундай ёндашув узок муддатда жорий этилиши мушкуллиги келтириб ўтилади;

✓ Фонд фаолиятини янада яхшилаш, унинг самарасини ошириш қўйидаги йўналишларда айрим ўзгаришлар қилиниши орқали амалга оширилиши мумкин:

- Фонд тушумлари борасида: фонд тушумларига мезон сифатида ягона ер солиғи бўйича бюджетга тушган эмас, ҳисобланган суммаларга тенг миқдорда тушумлар тушишига эришиш фонднинг даромадлар қисмида ижобий ўзгаришга олиб келиши мумкин. Шунингдек фонд ва Тикланиш ва тараққиёт фонди ўртасидаги кооперацияни кучайтириш, ҳамда фонднинг бошқа даромадлар моддасида ўзгаришлар қилиш ҳам ижобий натижа бериши мумкин;

- Фонд сарфларини такомиллаштириш борасида: фонд томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар кетма-кетлигини аниқлаш, ишлар муддатларини белгилаш борасида қилиниши лозим ишлар мавжуд. Шунингдек бу борада мавжуд нормативларни янада такомиллаштириш ва қабул қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эгадир;

- Фонд фаолиятига тегишли ташкилий, концептуал аҳамиятга эга йўналишлар бўйича: мелиоратив тадбирларни ташкил этишда комплекс ёндашув, сув ресурслари сарфини мониторинг қилиш борасида айрим ўзгаришлар қилиниши, мелиорация тадбирлари бенефициарлари бўлган деҳқон ва фермер хўжаликларининг фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида
2. Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида
3. Рақобат тўғрисида (2012),
4. Коррупцияга қарши кураш тўғрисида (2017)
5. Давлат харидлари тўғрисида(2018)
6. “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” ги қонуни;
7. Ер кодекси;
8. Бюджет кодекси.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (2016),
2. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги (2017),
3. «Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги (2017) фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сонли Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони;
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 30 октябрдаги ПҚ-718-сонли “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фонди фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 мартдаги ПҚ-817-сонли “2008-2012 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги Қарори;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 19 мартдаги ПҚ-1958-сонли “2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

I. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 28 ноябрдаги 261-сонли “Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастурларини шакллантириш ва амалга оширишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори;

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 21.12.2007 й. 266-сон "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори;

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2008 й. 92-сон "Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори;

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.06.2011 й. 178-сон "Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш ва 2011 йил июнь-сентябрь ойларида суғорма сувни тежашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11.07.2012 й. 209-сон "Ўзмелиомашлизинг" давлат лизинг компанияси тузилмасини ва фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.02.2014 й. 39-сон "2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат дастурининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори;

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –56 б.; Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –48 б.;

2. Мирзиёев Ш.М. БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи// Халқ сўзи газетаси, 2017 йил 20 сентябрь, № 163(6857).

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик –ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –104 б.;

4. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б.592.

III. Асосий адабиётлар

1. Воҳобов А., Срожиддинова З. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети» Ўқув қўлланма, Тошкент Молия институти, 2002, 115б.;

2. Подъяблонская Л.М. “Финансы”, Учебник, ЮНИТИ;

3. Алехин Б.И. «Государственный долг», Учебное пособие, М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2004;

4. Harvey S. Rosen, Ted Gayer “Public Finance”, eight edition, 2008;

5. Романов М.В. “Финансы, денежное обращение и кредит: Учебник” / - Под ред. М.В. Романовского, О.В. Врублевской. — М.: Юрайт-Издат, 2006. - 543 с;

IV. Таҳлил этилган мақолалар, даврий нашрлар.

1. “The Relationship Between the Marginal Cost of Public Funds and Marginal Excess Burden” Author(s): Robert K. Triest Source: The American Economic Review, Vol. 80, No. 3 (Jun., 1990), pp. 557-566;
2. “The Marginal Cost of Public Funds” Author(s): Edgar K. Browning Source: Journal of Political Economy, Vol. 84, No. 2 (Apr., 1976), pp. 283-298;
3. “State Infrastructure Spending and the Federal Stimulus Package” Author(s): Ellen Hanak Source: National Tax Journal, Vol. 62, No. 3, TAX POLICY AND THE ECONOMIC RECOVERY (September, 2009), pp. 573-583;
4. “ Pricing Subsidies and Economic Efficiency: The U. S. Bureau of Reclamation” Author(s): Mark Kanazawa Source: Journal of Law and Economics, Vol. 36, No. 1 (Apr., 1993), pp. 205-234;
5. “Egyptian Land Reclamation since the Revolution” Author(s): Sarah P. Voll Source: Middle East Journal, Vol. 34, No. 2 (Spring, 1980), pp. 127-148;
6. “ Estimating Irrigators' Ability to Pay for Reclamation Water” Author(s): Michael R. Moore Source: Land Economics, Vol. 75, No. 4 (Nov., 1999), pp. 562-578;
7. “Economic aspects of cost-sharing arrangements for federal irrigation projects: a case study ”, Ghebreyohannes Keleta, Robert A. Young, Edward W. Sparling, Colorado State University, December, 1982;
8. Review of World Bank engagement in the Irrigation and Drainage Sector in Azerbaijan, International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank, February 2013;
9. Журнал "Нивы Зауралья" № 6 (117), июль 2014;
10. UNCTAD (2008). “World Investment Report 2008: Transnational Corporations and the Infrastructure Challenge: Overview”. New York and Geneva: United Nations;

11. UN DPI (2008). “Financing for Development”, UN Department of Public Information - DPI/2520C - November 2008.

V. Интернет сайтлари

1. www.gov.uz– Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали;
2. www.stat.uz–Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий сайти;
3. www.mf.uz– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти;
4. www.qsxv.uz– Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги расмий сайти;
5. www.soliq.uz– Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти;
6. www.lex.uz–Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси;
7. www.lrf.uz– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш фондининг расмий сайти;
8. www.worldbank.org– Жаҳон банки расмий сайти.